VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

45 (417) ● 2016 йил 26 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжат топширди

Мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик — участка сайлов комиссиясининг бош мезони

Шу йилнинг 9 ойида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи сессия кун тартибига 15 ташаббус-масала киритди

Муносабат

Тинчлик ва фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик

Ўзбекистон мустақиллик йилларида кўплаб мамлакат ва халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, уни халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бугун юртимизда 44 хорижий давлат элчихонаси, 11 ҳукумат ва ҳукуматлараро, 4 халқаро молиявий ташкилотнинг ваколатхонаси фаолият олиб бораётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг фаол аъзоси ҳисобланади. Шу йилнинг 18-19 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида ҳам айни шу жиҳатлар ўз аксини топди.

Мамлакатимиз 1996 йилдан Ислом ҳамкорлик ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси саналади. Минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ислом дунёси давлатлари билан кенг қамровли муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришда мазкур ташкилот кенг имконият ва нуфузга эга. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам ўзининг улкан ижтимоий, маънавий ва иқтисодий салоҳияти туфайли Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг 30 га яқин тузилмалари мавжуд. Энг муҳим тузилмаларидан бири — Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг сессияси ҳар йили аъзо мамлакатлардан бирида ўтказилади. 2015 йилда Ал-Қувайт шаҳрида бўлган 42-сессияда навбатдаги сессияни Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

> 2-бет.

Фракция ҳаёти

2017 йилга мўлжалланган Бюджетнома

фракция аъзолари иштирокида кенг муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ЎзМТДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари, экспертлар ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган йиғилишда 2017 йилга мўлжалланган Бюджетнома — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари С.Отамуратов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон молия вазири ўринбосари М. Мирзаев асосий молиявий ҳужжат лойиҳаси хусусида ахборот берди. Таъкидланганидек, 2017 йилга мўлжалланган Бюджетнома ҳукуматнинг жорий йил 15 январдаги мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида белгилаб берилган вазифалар, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, энг муҳими, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада юксалтириш каби устувор йўналишлардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Келгуси йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилишида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,9, қишлоқ хўжалиги 6,2, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши назарда тутилгани, мазкур кўрсаткичларнинг якунланаётган йилда ҳам юқори суръатларда ўсиши кутилаётганлиги асос қилиб олинган. Фракция аъзолари кейинги йилга солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини пасайтириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш асосида макроиқтисодий кўрсаткичлар ўсишини таъминлаш, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, ҳудудларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш ҳисобига субвенция олувчи ҳудудлар сонини қисқартириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилаётганига алоҳида эътибор қаратдилар.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Тараққиётга юз бурган Денов

Мустақиллик йилларида истеъдодли қизларимизга бериладиган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг тўрттаси деновлик ёшларга насиб этди

> 6-бет.

"Кўҳна қитъа"даги муҳташам стадион

> 7-бет.

Буюк аждодимиз сиймоси саҳналаштирилди

> 8-бет.

Миллий ғурур

Ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод

Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, жамиятда муносиб ўрин топиши учун барча имконият ва шароит яратилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури самараси ўлароқ, ўз фикри, қарашлари ва қатъий фуқаролик позициясига эга, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган, ҳам жисмонан, ҳам ақлан ҳеч кимдан кам бўлмаган янги авлод бугун дунё билан бўйлашяпти.

Ёшларга берилаётган юксак эътибор ва яратилаётган қулай шароитлар туфайли улар жаҳон майдонида нафақат спорт, санъат, балки илм-фан йўналишида ҳам ўзларининг истеъдод ва салоҳиятини тўла намоён этишяпти. Мактаб ва академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг юксак натижалари барчани бирдай қувонтириб, юртдошларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада оширмоқда.

> 6-бет.

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Айни пайтда мамлакатимизда шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси қизғин паллага кирди. Ҳудудларда округ ва участка сайлов комиссиялари сайловга пухта тайёргарлик кўриш, уни юқори савияда, халқаро талаблар даражасида ўтказиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни тизимли амалга оширмоқда. Шу жумладан, сиёсий партиялар ҳам ушбу муҳим сиёсий тадбирда фаол ва муносиб иштирок этиш борасида муайян тайёргарлик ишларини олиб бораётир.

Партия сайлов штаби йиғилишида

ЎзМТДП тизимида сайловга тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девонида ташкил этилган сайлов штабининг йиғилишида ҳам партия марказий ва ҳудудий ташкилотлари тизимида сайловга тайёргарлик кўриш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда сайловни ўтказишнинг халқаро андозаларига мос ҳуқуқий асоси яратилгани ушбу сиёсий жараённинг ошкора ва демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Сайлов кампанияси қизғин паллага кириб бормоқда, сайловда иштирок этувчи партиялар, хусусан, ЎзМТДПдан номзод кўрсатилди, Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатлар тақдим қилинди.

> 2-бет.

Сайлов — 2016

Участка сайлов комиссиялари

сайловнинг эркинлик ва қонунийлик принциплари асосида ўтишини таъминлайди

Шу кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — 2016 йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Мазкур сайлов ҳам конституциявий орган мақомига эга, фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилмоқда. Сайлов кампанияси давомида амалга оширилаётган тадбирлар Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дасутурига мувофиқ ташкил этилмоқда. Бу жараён сайлов қонунчилигимизда белгиланганидек, очиқ ва ошкора амалга оширилиб, сайлов комиссиялари фаолиятидан аҳоли хабардор этиб борилаётир.

Сайлов — демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлатнинг муҳим белгиларидан бири. Мустақил тараққиёт йилларида эркин ва адолатли сайловларнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ва янада ривожлантириш борасида катта амалий тажриба тўпланди. Амалдаги миллий сайлов тизими энг илғор демократик ғоя ва қоидаларни ўзида мужассам этган.

> 4-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
45 (417) 2016 йил 26 октябрь, чоршанба

Фракция ҳаёти

2017 йилга мўлжалланган Бюджетнома

фракция аъзолари иштирокида кенг муҳокама қилинди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Таъкидланганидек, 2017 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад манбаларини иқтисодиётга солиқ юкини оширмасдан, харажатлар эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, бугун жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденциялар инобатга олинган ҳолда шакллантирилган. Депутатлар келгуси йилга белгиланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари барқарор иқтисодий ўсишни, ҳудудларнинг мувозанатли ривожланишини, Давлат дастурлари, айниқса, ижтимоий соҳага оид дастурлар бажарилиши ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишни таъминлашга қаратилганини эътироф этдилар.

— Мамлакатимизнинг келгуси йилдаги асосий молиявий ҳужжати пухта ва кенг қамровли ишлаб чиқилган, — деди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодир Мухторов**. — Айниқса, солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилаётган рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилиши келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юкини янада камайтиришга хизмат қилади. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларига солиқ юкини сезиларли камайтирадиган солиқ имтиёзлари амал қилиш муддатини узайтириш айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва модернизациялаш, ходимлар иш ҳақи ва даромадларини ошириш имконини беради. Солиқ сиёсатида иқтисодиётни модернизация қилишни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги бу каби кўзда тутилган чора-тадбирлар ЎзМТДП дастурий мақсадларига уйғун бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш ҳамда ички бозорни ҳимоя қилиш каби вазифаларга мос келади.

Йиғилишда фракция аъзолари 2017 йилги Давлат бюджети харажатларининг асосий параметрларини кўриб чиқдилар. Тақдим этилган Давлат бюджети лойиҳасида ижтимоий харажатларни молиялаштиришга қарийб 60 фоиз маблағ ажратилиши кўзда тутилаётгани унинг ижтимоий йўналтирилганлигидан далолатдир. Келгуси йилда аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдорини янада ошириш эвазига аҳоли фаровонлигини изчил юксалтириш мақсад қилинган. Айниқса, ижтимоий харажатларда муҳим ўрин тутувчи таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар миқдори ўтган йилга нисбатан барқарор ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда 2017 йилда ЯИМга нисбатан мос равишда 6,9 ва 2,8 фоизни ташкил этмоқда. Бу баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларда назарда тутилган тадбирларни молиялаштиришни тўла таъминлаш имконини беради. Шунингдек, 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида маданият муассасаларини сақлаш ва спорт тадбирларини ўтказиш харажатларининг ҳажми жорий йилга нисбатан 16,7 фоизга оширилиши кўзда тутилган. Бунда республиканинг тарихий-меъморий, ижтимоий-маданий салоҳиятини эҳтиётлаб сақлашни таъминлаш, шунингдек, янада оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимиздаги маданий ва археология мероси объектларида консервациялаш ва реставрация қилиш ишларини ўтказиш бўйича дастурни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан жорий йилга нисбатан икки баробар кўп маблағ ажратиш таклиф этилаётгани фракция аъзолари эътибор марказида бўлди. Бу ЎзМТДПнинг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва тарғиб этиш борасидаги устувор вазифаларига уйғун ҳамда ҳамоҳанг эканлиги алоҳида қайд этилди.

Фракция аъзолари 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида кўзда тутилган чора-тадбирлар партия дастурий мақсад-вазифаларига мослиги, унда электоратни қизиқтираётган масалалар ўз ифодасини топганини таъкидладилар. Ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, инвестиция лойиҳалари ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан парламент назоратини янада кучайтириш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда ҳукумат киритган 2017 йилга мўлжалланган аҳоли бандлиги дастури лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Маълумки, бугун дунёдаги ривожланган мамлакатлар молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида ишсизликка қарши самарали воситаларни излаётган бир пайтда Ўзбекистонда етти йилдан бери аҳоли бандлиги дастури тизимли асосда ишлаб чиқилиб, парламент тасдиқлаётгани ва ижроси назоратга олингани юртимизда иш жойларининг нафақат сақланиб қолиши, балки сезиларли даражада кўпайишини таъминламоқда.

2017 йилга мўлжалланган бандлик дастури лойиҳасида 390 минг кишини доимий, 200 минг кишини қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, ҳунармандлик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлаш назарда тутилган. Унда меҳнат бозоридаги талаб, жойлардаги ва соҳалардаги мавжуд имкониятларни чуқур таҳлил этиш орқали депутатларнинг назорат ишлари якунлари асосидаги таклифлари ҳам эътиборга олинганлиги қайд этилди.

Дастурда барча туман ва шаҳарларда аҳоли ва ёшларни, биринчи навбатда, коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг янги, амалиётда республикамизнинг айрим ҳудудларида синовдан ўтган усулларни, яъни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича махсус ўқув-амалий курсларни ташкил этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, "Ўз бизнесингни ярат" махсус порталини яратиш ва тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, хомашё, ускуналар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Айниқса, бу борада коллеж битирувчиларига имтиёзли кредитлар учун 2016 йилга нисбатан 25 фоиз кўп маблағ йўналтирилиши назарда тутилаётгани эътиборга молик.

Йиғилишда дастурда кўзда тутилган вазифалар партия дастурий мақсадларига ҳамоҳанг тарзда туризм ва сервис хизматлари кўрсатиш, миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш, унинг турларини кенгайтиришга йўналтирилганлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, айни пайтда мамлакатимизда меҳнат ресурслари 18 миллиондан зиёдни ташкил этади. Ўтган йиллар давомида яратилган иш ўринлари корхоналарнинг тугатилиши ва бошқа сабабларга кўра ўзини тўла оқламаган ҳолатлар мавжуд. Ҳукумат ишлаб чиқадиган мазкур бандлик дастуридан кўзланган асосий мақсад ҳам иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашишдан иборат.

Фракция аъзолари 2017 йилда дастур параметрларида белгиланган иш ўринларини ташкил этиш механизмлари, дастур мониторингини самарали юритиш юзасидан фикр-мулоҳаза ҳамда таклифларини билдирдилар. Жойларда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, бўш иш ўринлари ҳисобини юритиш, маданий, тарихий ёдгорликлар, қадамжоларда сервис ва хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, кенгайтириш эвазига янги иш ўринлари ташкил этиш лозимлиги таъкидланди. Айниқса, бўш иш ўринлари ярмаркаларида меҳнат майдонлари ташкил этилиши, уларга "бир дарча" хизмати мутахассисларининг жалб қилиниши аҳолини кафолатланган иш билан таъминлашга самарали ҳисса қўшади.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Тошкентда "Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори остида ташкил этилган 43-сессияда минтақада тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифаларни ҳал қилиш, сиёсат, иқтисодиёт, илм-фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш каби долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди, муҳим сиёсий-иқтисодий масалалар борасида фикр алмашилди.

Тинчлик ва фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик

Таъкидлаш жоиз, Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан Ўзбекистон ўртасида барча жабҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик юксак самара бераётир. Зеро, юртимиз азал-азалдан ислом маданияти ва илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган. Бу муқаддас заминдан Имом Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Маҳмуд Замаҳшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Муҳаммад Қаффол Шоший, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломалар етишиб чиққани ва улар ислом тарихида ўчмас из қолдирганини бугун жаҳон аҳли яхши билади. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг таркибий тузилмаси ҳисобланадиган Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилингани ҳам мамлакатимизнинг ислом дунёси давлатлари орасидаги ўрни ва нуфузини яққол акс эттириб турибди.

Ўзбекистон 2003 йилдан бошлаб ташкилот тузилмаларидан бири — Ислом таррақиёт банкининг аъзоси ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида мазкур банк билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, таълим, қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида умумий қиймати 250 миллион долларга яқин ўнлаб лойиҳалар амалга оширилди. Фарҳод ва Қуйи-Бўзсув ГЭСларини модернизациялаш, Тошкент шаҳри кўчаларини ёритишда самарадорлиги юқори бўлган, тежамкор энергия технологияларини жорий қилиш ва қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши каби лойиҳалар ана шулар жумласидандир.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик минтақада тинчлик-осойишталикни таъминлаш борасидаги қараш ва мақсадлар яқдиллиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ташкилотга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган ва Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш билан боғлиқ ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Яна бир муҳим жиҳат: 2008 йил 14 мартда Дакар шаҳрида ўтказилган 11-Саммитда ташкилот Уставига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унга мувофиқ халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга таҳдид солувчи низоларни аъзо давлатлар томонидан музокаралар ўтказиш, воситачилик, яраштириш, арбитраж, суд ва бошқа воситалар орқали тинч йўл билан ҳал қилиш механизмлари жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолият Концепциясида белгиланган низоларни тинч йўл билан, учинчи томонларнинг аралашувларисиз ҳал этиш, инқирозларни музокаралар йўли билангина ҳал қилиш каби муҳим принципларига тўла мос келади.

Бир сўз билан айтганда, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мамлакатимиз заминида ўтган 43-сессияси ҳар томонлама манфаатли ва самарали бўлди. Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг раиси сифатида ушбу нуфузли тузилма салоҳиятини янада кучайтириш ва янги марраларни забт этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

Айниқса, Ўзбекистон томонидан таклиф этилган Самарқандда ислом маданияти ва дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослаштирилган Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар марказини ташкил этиш ҳамда Тошкент ислом университети таркибида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг махсус кафедрасини ташкил этиш ташаббуслари илм-фан, таълим ривожида, диний-маънавий меросимизнинг чуқур тадқиқ этилиши ва ўрганилишида муҳим аҳамият касб этади.

Алишер ҚОДИРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Партия сайлов штаби йиғилишида

ЎзМТДП тизимида сайловга тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Йиғилишда сайлов штабида тузилган ҳар бир гуруҳ ўз зиммасига юклатилган вазифаларни босқичма-босқич тарзда амалга ошириб бораётгани эътироф этилди. Маълумки, сайлов штаблари сайлов кампанияси даврида партиянинг сайлов билан боғлиқ фаолиятини, номзод ва унинг ишончли вакиллари, кузатувчилар ва тарғибот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб боради. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллигига, ЎзМТДПнинг кузатувчиларига номзодлар базасини ташкил этиш, сайловолди ташвиқоти давридан самарали фойдаланиш, партия дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш бўйича партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, барча шаҳар ва туманларда партия томонидан қабул қилинган сайловолди иш режаси асосида турли учрашув ва давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш, уларга бошланғич партия ташкилотлари, сайловда илк бор иштирок этадиган ёшларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу каби тадбирларда партия мақсад-ғоялари ва сайловолди Платформасини кенг тарғиб этишга устувор аҳамият қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Партия сайлов штаби йиғилишида олдимизда турган муҳим жараён — сайловолди ташвиқоти даврини юқори савияда, пухта тайёргарлик асосида ташкил этиш юзасидан фикр алмашилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

Марказий сайлов комиссиясига

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар топширилди

Шу йилнинг 21 октябрь куни мамлакатимиздаги бир неча сиёсий партия Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ сиёсий партия раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари илова қилинади.

Йиғилишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ваколатли вакили Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кун муддат ичида текшириб чиқиб, уларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текшириш юзасидан Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг мутахассисларидан иборат экспертлар гуруҳлари иш олиб бормоқда.

Ўз мухбиримиз

Ҳуқуқ ва бурч

— Сайлов жараёни ўзининг мураккаблиги ва иштирокчиларнинг сони кўплиги билан бошқа тадбирлардан фарқ қилади. Шу боис сайлов кампанияси пайтида айрим ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қандай юридик механизмлар назарда тутилган?

Нилуфар ПАРДАЕВА,
Бухоро вилояти Олот тумани

— 1994 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасида эканлиги аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу қонуннинг 20-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

Шу боис, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига кўра, сайловни ўтказишнинг ушбу қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар.

Бундан ташқари, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга, овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида ёхуд овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади.

Агар сайлов кампанияси пайтида юқорида санаб ўтилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар рўй берганда фуқаролар биринчи навбатда, ўша ҳудуддаги участка сайлов комиссиясига, зарур ҳолларда юқори турувчи сайлов комиссиялари ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

Шунингдек, юқоридаги хатти-ҳаракатлар учун тегишли жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг V-1-боби ҳамда Жиноят кодексининг 146, 147-моддаларида ўз ифодасини топган.

Акмал РАҲМОНОВ,
юридик фанлари номзоди,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Инсонпарварликнинг юксак намунаси

Инсон манфаатларини таъминлаш давлатимиз ва жамиятимизнинг бош мақсади. Зеро, ҳаётнинг мураккаб синовларида адашган инсонларни кечириш, уларга ўз хатосини тузатиш учун имкон бериш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш халқимизга хос эзгу фазилатдир. Ҳар йили мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80, 93-моддаларига мувофиқ амнистия актининг қабул қилиниши муайян тоифадаги шахсларни нафақат жавобгарлик ва жазодан озод этади, балки уларни тўғри йўлга бошлаш, бандлигини таъминлаш, маиший шароитларини яхшилашга имкон беради.

Жорий йилнинг 12 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўзининг еттинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур қарор халқимизга хос ҳамда мамлакатимиз сиёсатида устувор бўлган инсонпарварлик тамойилларининг навбатдаги ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистонда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият экани, ишончли таъминланаётгани ва муҳофаза қилинаётганини тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоиз, амнистия акти кўплаб одамларнинг қалбида ишонч туйғусини мустаҳкамлайди. Инсон учун эркинлик энг муҳим ва азиз неъмат. Амнистия маҳкумларда қонунга итоаткорлик ҳиссини рағбатлантиради ва қонунни четлаб ўтган шахсларга тузалиш, оиласига қайтиш, жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиш, қонунга мувофиқ яшаш ва меҳнат қилиш учун яна бир имконият беради. Ушбу жиҳатлар амнистия акти татбиқ этилаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарорида аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни жазодан озод этишга алоҳида эътибор қаратилган. Чет давлатлар фуқароларини, I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларни жазодан озод этиш назарда тутилган. Айниқса, 60 ёшдан ошган эркакларнинг жазодан озод қилинаётгани давлатимизнинг кексаларга нисбатан ғамхўрлиги, эътиборидан ёрқин далолат беради. Билиб-билмай жиноят содир этган ва озодликдан маҳрум бўлган кўплаб аёллар эса жазони ўташ жараёнида йўл қўйган хатосини чуқур англаб етади. Зеро, инсон учун оиласи ва фарзандларидан айро яшашдан кўра каттароқ жазо йўқ, аслида. Эркинликда, оила ва фарзандлар даврасида ҳаёт кечириш эса олий саодатдир. Амнистия акти замирида ҳам ана шундай буюк инсонпарварлик мужассам.

Даврон ОРИПОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Суҳбат

Дастурий мақсадлар йўлидаги фаоллик

фаолиятимиз самарадорлигида муҳим ўрин тутади

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, хусусан, сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғояси асосида миллий манфаат ва қадриятларимизни ҳимоя қилиш, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш жараёнига муносиб улуш қўшишга интилмоқда.

Хўш, бу борада 8 туман ва 2 шаҳар кенгаши, 14 минг 427 нафар аъзо ва 514 бошланғич партия ташкилотига эга ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари **Илҳом РАЖАБОВ** билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни янада ошиб, уларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириши учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди, — дейди И. Ражабов. — Жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Партия дастурий вазифалари ижросини таъминлашда ҳудудий, туман ва шаҳар ташкилотлари ташкил этаётган тарғибот тадбирларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2016 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалаларга доир 600 дан зиёд тадбир ташкил этдик. Тарғибот ишларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий вилоят ҳудудий бўлинмаси мутахассислари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мунтазам жалб қилинмоқда. "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан", "Она ва бола саломатлиги — давлатимизнинг бебаҳо бойлиги", "Оилалар саодати — мустақиллик самараси", "Тўй ва маросимлар ихчамлигига эришайлик", "Маҳалла — тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг бошланғич бўғини", "Глобаллашув жараёнида ёшларда Интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари", "Фуқаролик жамияти шаклланишида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб вазифалари" каби тадбирлар ана шулар жумласидандир. Ўтказаётган тадбирларимиз иштирокчилар билан бевосита суҳбат, очиқ мулоқот, самимий суҳбатлар, саҳна кўринишлари ва слайдлар ёрдамидаги кўргазмали воситалардан кенг ва самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилмоқда. Йилдан-йилга партиямиз сафи изланувчан, ташаббускор ёшлар билан кенгаяётганини шундай тадбирлар самараси сифатида баҳолаш мумкин.

— **Партия ғоя ва мақсадлари ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда туман ва шаҳар партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Бугун вилоятимизда партиямизнинг 92 вакили депутат сифатида халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларида фаолият олиб бораётир. Улар партия электорати манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари суришда жойлардаги қуйи бўғинлар билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Масалан, қуйи бўғинларнинг ҳар чоракда ўтказадиган йиғилишларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кўплаб таклифлар ўртага ташланиб, уларнинг аксарияти партия гуруҳларига юборилмоқда. Халқ вакиллари депутатлик назорати ваколатларидан унумли фойдаланган ҳолда ушбу таклифларни доимий комиссиялар йиғилишларига, сессиялар кун тартибига олиб чиқиш ёки депутатлик сўрови орқали ҳал қилишга эришмоқда. Натижада, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида партия гуруҳлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига 15 ташаббус-масала киритди. Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳоли мурожаатларига жавобан депутатларимиз шу кунга қадар 180 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширди. Шунингдек, партия гуруҳлари ташаббуси билан ҳудудларни мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 га яқин таклиф доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилди, 65 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланиб, 150 дан ортиқ депутатлик назорати амалга оширилди. Депутатларимиз ўз фаолияти давомида туризмни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва миллий ҳунармандликни қўллаб-қувватлаш, қадимий обидаларни ўрганиш ва улар жойлашган ҳудудларни янада ободонлаштириш каби хайрли ишларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан илгари сурилган "Вилоят ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларида белгиланган талабларнинг ижроси тўғрисида"ги масала доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилганидан сўнг, шу йилнинг 21 июлида бўлиб ўтган вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритилди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган сессия қарорига мувофиқ "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг ижроси борасидаги айрим камчиликлар бартараф этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ЎзМТДП гуруҳи халқ депутатлари Қизилтепа туман кенгаши сессиясига туманда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш масаласини киритди. Ушбу масала сессияда мақулланиб, тегишли қарор қабул қилинди. Шунингдек, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашининг XVII сессияси кун тартибига ЎзМТДП гуруҳи киритган "Туманда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ҳунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги масала юзасидан ҳам бир қатор амалий ишларни амалга оширди.

— **Юртимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги фаоллигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилаётир. Вилоят партия ташкилотининг ушбу йўналишда олиб бораётган ишлари хусусида ҳам тўхталсангиз...**

— Айни пайтда вилоятдаги ЎзМТДП аъзоларининг 7 минг 586 нафарини хотин-қизлар, 7 минг 87 нафарини эса ёшлар ташкил этади. Биз уларни партия сафига, умуман ижтимоий-сиёсий жараёнларга янада кенг жалб этишни мақсад қилганмиз. Бу вазифани тўлақонли уддалашда мафкуравий тарғибот ишларидан самарали фойдаланишга, ўтказиладиган тадбирларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қиляпмиз.

"Аёллар қаноти"нинг жорий йилги фаолиятини "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлардан айро тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, Давлат дастурида белгиланган барча чора-тадбир ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол тарбиялашга қаратилган. Бу борада, энг аввало, аёллар зиммасига янада залворли масъулият юкланади. Шу боис "Аёллар қаноти" фаоллари жойларда Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ўтказилаётган тадбирларда оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлаш, қизларни миллий анъана ва халқимизнинг маънавий мероси асосида оилавий ҳаётга, оналикка тайёрлаш каби долзарб масалаларга эътибор қаратмоқда.

Партия "Ёшлар қаноти"нинг ташкил этаётган турли сиёсий-маданий тадбирлари, акция ва лойиҳалар, конференция ва форумлар, ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ҳам ёш авлод вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиямиз фаол иштирок этишига ҳисса қўшиш — бугунги куннинг энг муҳим вазифаси. Айни пайтда партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари мазкур сиёсий жараёнга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Жумладан, партиянинг "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан ёшлар иштирокида ҳар бир туман ва шаҳар кенгашида "Мен биринчи марта овоз бераман!" мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Сайлов — демократия кўзгуси. Бу жараёнда фуқаролар ўзининг ҳоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга бўладилар. Ватанимизнинг келгусидаги тараққиёт йўлини белгилаб берадиган мазкур сиёсий жараёнда партия ташкилотимиз ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборга молик. Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини, сайлов қонунчилиги борасидаги кўникмаларини янада оширишда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашларимиз ташкил этаётган тарғибот тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

"Milliy tiklanish" мухбири
Ўралой ТУРДИЕВА
суҳбатлашди

Тадбир

Энг улуғ миллий қадрият

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугун дунёда 6 минг 909 тил мавжуд бўлиб, улардан атиги 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Улар қаторида она тилимиз — ўзбек тилининг ҳам борлиги ҳар биримизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдиради. Зеро, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил воситасида намоён бўлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши "Тил — миллатнинг улуғ қадрияти" мавзусида ўтказган маънавий-маърифий тадбирда давлат тилининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий мавқеини янада ошириш, уни асраш ва ривожлантиришда ЎзМТДПнинг ролини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Унда ЎзМТДП Тошкент вилоят, Янгийўл туман кенгашлари аъзолари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, партия фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ва бу давлатимизнинг Асосий қонунида мустаҳкамлаб қўйилгани халқимиз тарихида буюк воқеа бўлганлиги шубҳасиз, — деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Ўзбек тили давлатимиз рамзлари қаторида турадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди. Истиқлол йилларида давлат тилини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимизда ҳар йили 21 октябрь кунини тил байрами сифатида нишонлаш анъанага айланди. Ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайди. Уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бир қатор илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалар, янги луғатлар чоп этилди. Юртдошларимиз бу тимсолга эҳтиром кўрсатишни ўзининг фуқаролик бурчи деб билади. Нафақат мутахассис, балки касбу коридан қатъи назар, юртнинг ҳар бир фидойи фарзанди тилга эътиборни ёддан чиқармаслиги зарур.

Тадбирда таъкидланганидек, миллий қадриятларимизнинг асосий устунларидан бири бўлган она тилига юксак эътибор "Давлат тили ҳақида"ги қонунда яққол акс этган. Унда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг рамзлари қаторида туради ва қонун йўли билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш белгиланган. Тадбирда таъкидланганидек, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ушбу дастурий вазифалар ижросига қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда. "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини таъминлашда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиб келмоқда.

Тадбирда Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Шамсиддин Жумаев, Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова, истеъдодли ёш актёр Умид Шодмонов ва бошқалар сўзга чиқиб, она тилимизни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида янада бойитиш, соф ўзбек тили меъёрларига амал қилган ҳолда сўзлашув маданиятини шакллантириш, тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланиш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.

Тадбирда ахборот алмашинуви шиддатли тус олган бугунги замон кўпгина миллий-маънавий бойликлар қатори давлат тилини ҳам асраб-авайлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мавқеини янада кучайтириш, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бу борадаги ролини янада ошириш юзасидан таклиф-тавсиялар билдирилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хроника

ЎзМТДП ташкилотларида

ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан тадбирлар бўлиб ўтди

Мамлакатимизда 1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Шу боис ҳар йили 21 октябрь — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланади. Мазкур сана муносабати билан ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларида ўзбек тилига бағишланган тадбирлар ташкил этилди.

Тошкент шаҳри

ЎзМТДП Миробод туман кенгаши "Тошкент халқаро аэропорти" давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда "Тил — миллатнинг кўрки" мавзусида маънавий-марифий тадбир ташкил этди. Унда ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Миробод туман кенгаши аъзолари, "Тошкент халқаро аэропорти" ДУК ходимлари, партия фаоллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, бебаҳо бойлигимиз — она тилимизни ривожлантириш, унинг бетакрор жозибаси ва гўзаллигини кенг намойиш этиш борасида улкан тарихий воқеа бўлганлигини таъкидлади.

Бугунги кунга келиб ўзбек тилининг қўлланиш доираси тобора кенгайиб бораётир. Хусусан, тилимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер ва Интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт ҳамда бошқа махсус атама ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўллана бошлангани унинг имкониятлари чексиз эканлигини кўрсатади.

— Шиддат билан ривожланаётган бугунги замонда дунёдаги барча халқлар ҳам расмий тилига эга эмас, — деди партия Миробод туман кенгаши раиси Муножат Валиева. — Мутахассисларнинг сўзларига кўра, вақт ўтган сари цивилизация, "оммавий маданият" туфайли кўп миллатларнинг тили ўз ўрнини йўқотиб, ҳатто буткул унутилиб бораётгани кузатилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзбек тили ва адабиётини асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, жамиятимизда тил маданиятини ошириш, адабий тил қоидаларига риоя этилишига яқиндан кўмаклашиш, "Давлат тили тўғрисида"ги қонуннинг ижросини муттасил ўрганиш масалаларига доимий эътибор қаратмоқда. Ҳар йили анъанавий тарзда амалга оширилаётган "Тил — миллатнинг улуғ қадрияти" лойиҳаси доирасида ёш авлоднинг она тилимизга бўлган ҳурмати ва эътиборини, масъулиятини янада кучайтиришга қаратилган маърифий тадбирлар, ижодий танловлар доимий ўтказилмоқда.

Давра суҳбатида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига риоя этилишини ўрганиш билан боғлиқ ишларни изчил давом эттиришга оид вазифалар тўғрисида фикрлашилди.

Фарғона

ЎзМТДП Марғилон шаҳар кенгаши "Тил — миллатнинг улуғ қадрияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия шаҳар кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари, Марғилон шаҳар қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 27 йил тўлди. Бу давр мобайнида тилимиз янада сайқал топиб, дунё тиллари орасида ўзига хос нуфузга эга бўлди, — деди партия Марғилон шаҳар кенгаши раиси Шуҳрат Мадраҳимов. — Бугун турли даражадаги расмий учрашув ва суҳбатлар, музокараларда тилимизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Нуфузли халқаро анжуманлар, спорт тадбирларида ўзбекона каломлар янграмоқда. Чет элларда ҳам ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар нашр этилмоқда, ўзбек тилини ўрганувчилар, унга қизиқувчилар ортиб бормоқда. Интернет тармоғида ўзбек тилидаги сайтларнинг тобора кўпайиб бораётгани, улардан дунёнинг турли нуқталарида миллионлаб одамлар кенг фойдаланаётгани тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеи юксалиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Айни вақтда мамлакатимиз ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланмоқда, уларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилмоқда.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, инсон аввало ўз она тилини мукаммал билсагина бошқа тилларга ҳурмат билан қарайди, бошқа тилни ҳам муҳаббат билан ўрганади. Мамлакатимиз фуқароси бўлган турли миллат вакиллари ўз она тилини яхши билса, давлат тилини ҳам осон ўрганади, унга эҳтиром кўрсатади. Она тилини бой берган одамнинг маънавий-руҳий илдизлари мўрт бўлади. Юртимиз осойишталиги, халқимизнинг аҳил ва тотувлиги, ёшларимизнинг маънавий-маърифий расолиги ҳақида сидқидилдан қайғурадиган ҳар бир киши буни унутмаслиги керак.

Тадбирда ўзбек тили гўзаллиги ва жозибасини тараннум этувчи шеърлар ўқилди.

Қашқадарё

ЎзМТДП Китоб туман кенгаши "Тил — давлат мустақиллигининг муҳим белгиси" мавзусида ташкил этган давра суҳбатида партия туман кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамда 3-академик лицей ўқувчилари иштирок этди.

— Ёш авлод онгу шуурида она тилига ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш, уларда гўзал сўз сезгисини тарбиялаш ғоят муҳим ва ўта масъулиятли вазифадир, — деди партия Китоб туман кенгаши раиси Гуландом Сатторова. — Бу фарзандларимизда миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришнинг асосий омилларидан биридир.

Она тилини муқаддас билган, унга суянган эл ҳамиша кимлигини англаб, ўзгаларга англатиб яшайди. "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақилликнинг энг катта инъомларидан бири халқимизга эркин фикрлаш ва яшаш ҳуқуқини берганидир. Бугун шаҳару қишлоқларимиз, муассасалар, кўча, хиёбон, майдон ва бекатларга миллий қадриятларимизга мос номлар берилгани ана шу ҳуқуқнинг амалдаги ифодасидир. Аксарият ҳудудларнинг тарихий номи тикланди. Истиқлол халқимизнинг янгича, миллий қадриятларимиз ва замонавий қарашлар уйғунлигида эркин ҳаёт кечиришига хизмат қилаётир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда она тилимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг нуфузини янада юксалтиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Тадбир якунида ёшлар мустақиллигимизни мадҳ этувчи шеърлардан намуналар ўқидилар.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
45 (417) 2016 йил 26 октябрь, чоршанба

Партия гуруҳларида

Шуманайда янги болалар майдончаси

ЎзМТДП депутатлари кўмагида ташкил этилди

Мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон бор, унинг орзу ўйлари мужассам.

Дарҳақиқат, асосли мурожаатнинг ижобий ҳал этилиши инсон ҳуқуқлари таъминланиши ва самарали ҳимоя қилинишининг муҳим омилларидан биридир. Шу боис миллий қонунчилигимизда бу масалага алоҳида ўрин берилган.

Бу жараёнда ЎзМТДП ҳудудий кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан ташкил этилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, фуқаролар билан юзма-юз мулоқот жойларда ўз ечимини кутаётган, электорат манфаатларига, ҳудуд тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига дахлдор кўплаб масалаларни тегишли давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларнинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда.

Шу йилнинг 10 сентябрида Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай тумани "Моншақли" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида очилган янги болалар майдончаси ҳам ЎзМТДП депутатлик бирлашмалари вакиллари ташаббуси билан ташкил этилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари Шуманай туман Кенгашига сайланган депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларидан бирида "Моншақли" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисидан мурожаат бўлди. Унда ҳудудда болалар майдончаси барпо этиш бўйича амалий ёрдам сўралган эди. Партия гуруҳи аъзолари мазкур мурожаатни партия туман кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси билан бирга ўрганиб, тегишли ташкилот ва идораларга сўров юборди.

—Туманимизда 55 мингга яқин аҳоли истиқомат қилса, уларнинг ўттиз фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади, — дейди **ЎзМТДП Шуманай туман кенгаши раиси Гулжаҳон Сапарбоева.** — Туман маркази, мавжуд 12 маҳалла ва овул фуқаролар йиғини ҳудудида замон талабларига жавоб берадиган болалар майдончаси йўқлиги инобатга олинса, бу ташаббуснинг аҳамияти янада ойдинлашади. "Моншақли" маҳалла фуқаролар йиғини туман марказида жойлашган. Депутатлик сўрови юборишдан олдин ўрганишларимиз натижасида ушбу маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий болалар майдончаси барпо этилса, ундан нафақат "Моншақли", балки туман марказидаги "Наврўз", "Тоза бозор" ва "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам фойдаланиши мумкинлигига маълум бўлди.

Фарзандларимиз камолотига хизмат қиладиган ушбу масала партия фаоллари ва депутатлар, туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, давлат санитария эпидемиология назорат маркази, "Камолот" ЁИҲ ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимлари ҳамкорлигида атрофлича ўрганилди, таклиф-мулоҳазалар таҳлил қилинди. Шундан сўнг туман марказида — "Моншақли" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида болалар майдончасини барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" бўйича давлат гранти танловига тақдим этилди. "Соғлом бола — бизнинг келажагимиз" номли ушбу лойиҳа танловнинг ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, спортни оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодни алкоголизм, гиёҳвандлик, аҳлоқсизлик, "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асрашга қаратилган йўналиши бўйича ғолиб деб топилди. Болалар майдончасини қуриш учун грант танлови доирасида Давлат бюджетидан 25 миллион сўм маблағ ажратилди.

— Туман марказидаги "Моншақли" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида болалар майдончасини бунёд этиш бўйича ЎзМТДП гуруҳининг сўрови ёш авлод тарбияси, уларнинг бўш вақтларини мазмунли, маҳалла-кўй кўз ўнгида ўтказишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир, — дейди **туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ЎзМТДПдан сайланган депутат Тамара Қаллиқиличова.** — Яна бир муҳим жиҳат: ушбу масала туман ҳокимлиги ҳамда қатор ташкилотлар эътибор марказида бўлиб, ўзаро ҳамкорлик — ижтимоий шерикликда лойиҳа ишлаб чиқилди. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг грант танловида ғолиб деб топилган бу лойиҳамиз туман болаларининг қувончу шодлигига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, электорат манфаатларига дахлдор ушбу мурожаат ЎзМТДП Шуманай туман кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси томонидан ўрганилиб, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ижобий ҳал этилгани эътиборга молик. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш, маданият муассасаларини ривожлантириш учун бюджетдан маблағ ажратишни кўпайтиришга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифаларнинг амалдаги ифодаси эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қонунга шарҳ

Шу йилнинг 24 сентябрида матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан амалдаги қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга, унинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қонунлар ижросини таъминлаш

самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди

Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасига қўшимча ва "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг 29-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақидаги нормалар мазмун-моҳияти қонунларни ўз вақтида ижрочиларга етказиш, аҳолининг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қонунда lex.uz сайтида жойлашган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаси сифатида белгиланган. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига расмий манба мақомини бериш ижрочилар ва аҳолига қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан тезкор ва ишончли равишда, он-лайн режимда танишиш имконини беради. Бу фуқароларнинг қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятидан, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан хабардорлигини оширади, уларда мамлакат равнақига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради.

Хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги тажрибасида ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни босма ва электрон кўринишда расман эълон қилиш бир хил юридик кучга эга.

Қонунда "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги нормалар ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу меъёрлар амалдаги қонун ҳужжатларини "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунларнинг тегишли моддаларига "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарига ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш ваколати берилди. Бундан ташқари, қўмиталар жойларга чиқиб, вақти-вақти билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади. Янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунларга ҳам "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун нормалари асосида бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, сиёсий партиялар фракциялари (депутатлик гуруҳлари) ва Қонунчилик палатаси қўмиталарининг Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш бўйича ваколатлари кенгайтирилди. Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш тартиби қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш тартибига ўхшаш тарзда белгилаб қўйилди. Сиёсий партиялар фракциялари (депутатлик гуруҳлари), Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталарининг мамлакат Бош вазири томонидан тақдим этиладиган Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш бўйича ваколатлари кенгайтирилди. Шунингдек, палаталарнинг Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қиладиган қарорида акс этадиган таклифлар аниқлаштирилди. Бу эса олий давлат ҳокимият вакиллик органи томонидан парламент назорати институти механизмларини самарали қўллашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунда "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақидаги норма ҳам ўз ифодасини топган. Судҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида суд экспертиза хулосалари муҳим ўрин тутади. Шу боис уни тайёрловчи мутахассислар малакасини ҳам ҳуқуқий, ҳам фан ва технологиялар ютуқлари асосида ошириб бориш долзарб аҳамиятга эга.

Амалдаги қонун ҳужжатларида суд экспертлари малакасини даврий равишда ошириб боришнинг ягона тизими назарда тутилмаган, бунинг натижасида суд экспертизасини ўтказадиган турли давлат муассасалари ушбу фаолиятни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириб келаётган эди.

Хорижий давлатлар (Германия, Швеция, МДҲ мамлакатлари)да ҳуқуқий ва махсус масалалар бўйича суд экспертларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизими мавжуд. Бу, ўз навбатида, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради.

"Суд экспертизаси тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчага мувофиқ процессуал ҳаракатлар иштирокчиси сифатида суд ишини юритишда далил бўла оладиган хулосаларни берадиган суд экспертларининг малакаси ва ҳуқуқий билимларини даврий равишда (ҳар икки йилда) ошириб боришнинг ягона тизими жорий этилди.

Мухтасар айтганда, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун аҳоли ва ижрочиларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалишига, амалдаги қонунларнинг қандай натижа бераётганлигини таҳлил этишга, пировардида, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Шунингдек, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг парламент назоратини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Сайлов — 2016

Участка сайлов комиссиялари

сайловнинг эркинлик ва қонунийлик принциплари асосида ўтишини таъминлайди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Сайловнинг кўппартиявийлик, сиёсий партиялар ва номзодлар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитида ўтиши, ошкоралик, фикрларни эркин билдириш каби хусусиятлари, энг асосийси, ҳар бир сайловчи ўзи муносиб деб билган номзодга онгли равишда овоз бериш имкониятига эга экани фикримизнинг яққол далилидир.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу жараёнда, айниқса, аҳоли билан бевосита ишлайдиган участка сайлов комиссияларининг ўрни беқиёс. Участка сайлов комиссияларининг ҳуқуқий асослари "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низоми ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топган.

Сайлов комиссиялари ҳар қандай бошқа ижтимоий тизимлар каби бир бутун, яхлит ва демократик механизмдан иборат. Сайлов комиссиялари, аввало, ўрнатилган муайян тартиб-тамойил ва демократик талаблар асосида шакллантирилади. Иккинчидан, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунда мустаҳкамлаб қўйилган ваколатлар доирасида аниқ ва тўлиқ амалга оширади. Учинчидан, унинг коллегиаллик асосида қабул қилган қарорларининг бажарилиши умуммажбурий характерга эга. Тўртинчидан, улар фаолияти тўлиқ Давлат бюджетидан молиялаштирилади. Кўриниб турибдики, сайлов комиссияларининг уч поғонали тизими тузилмавий ва таркибий жиҳатдан демократик тамойилларга асосланган бўлиб, улар мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик принципларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда самарали фаолият юрита олишга қодир.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссиялари округ сайлов комиссиялари томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Зарур ҳолларда тегишли участка сайлов комиссияси аъзоларининг сони кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Қонунчилигимизда участка сайлов комиссияси аъзоларининг ижро ҳокимияти иштироки ва таъсиридан ҳоли шаклланишининг икки босқичли ўзига хос демократик тартиби ўрнатилган. Жумладан, участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар биринчи босқичда энг обрўли кишилар орасидан сайлов қонунчилигини пухта билиши, ҳаётий тажрибаси, малакаси, ташкилотчилик қобилияти каби хусусиятлари танланган ҳолатда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Иккинчи босқичда эса яна бир бор ўрганилиб, округ сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ёхуд бошқа аъзолари сиёсий партия аъзоси, номзод ёки номзодларнинг ишончли вакили бўлмаслиги керак. Қонунда белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили этиб рўйхатга олинган сайлов комиссияси аъзоси мазкур сайлов комиссияси таркибидан чиқиб кетган ҳисобланади. Мазкур қоида сайловни ташкил этишга ваколатли сайлов комиссиялари фаолиятининг холис, ушбу сайлов натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахслар томонидан ўтказилишида, участка сайлов комиссиялари фаолиятида мустақиллик тамойиллари таъминланишида муҳим кафолат ҳисобланади. Шунингдек, тенглик принципидан келиб чиқиб, бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин. Яъни, бир шахс бир вақтнинг ўзида бир неча сайлов комиссияси аъзоси бўла олмайди.

Участка сайлов комиссияси ишининг асосий ташкилий шакли унинг заруратга қараб ўтказиладиган мажлислари ҳисобланади. Мазкур мажлисларда юқори турувчи комиссия аъзолари, рўйхатга олинган номзодлар, номзодларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар вакиллари, аккредитациядан ўтган маҳаллий ва хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишга ҳақли. Кўриб чиқилаётган масалага қараб, зарур ҳолларда мажлисларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасида "участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фуқароларга хоҳиш-иродани эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратадилар" деган муҳим қоида мустаҳкамланган. Шу боис участка сайлов комиссиялари очиқлик ва ошкоралик принципини амалга ошириш мақсадида аҳолини сайлов комиссиясининг жойлашган манзили, телефон рақами, иш вақти, овоз бериш куни, вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади, сайловчиларни қабул қилишни ташкил этади. Шу билан бирга, округ сайлов комиссияларидан далолатномалар асосида сайлов варақалари ва сайлов бюллетенларини қабул қилиб олади, уларни икки комиссия аъзоси имзоси ва комиссия муҳри билан тасдиқлайди ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни режалаштиради.

Участка сайлов комиссиялари ўз ваколатларидан келиб чиқиб, сайловчилар рўйхатини тузади ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этади. Овоз бериш биноси ва сайлов қутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди, сайлов куни сайлов участкасида овоз берилишини ташкил этади. Сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳам участка сайлов комиссиялари ваколатига киради. Ушбу ваколатларни амалга ошириш чоғида давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбур. Участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

Айни пайтда мамлакатимиз ва хорижда 9378 сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари комиссияларининг таркиби шакллантирилди.

Кўриниб турибдики, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида участка сайлов комиссиялари фаолиятига доир мустаҳкамланган қоидалар фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этишини таъминлайди. Фуқаролар унинг воситасида давлат ва жамият ишларини бошқаришда, мамлакатнинг эртанги куни ва келажагига дахлдор энг муҳим масалаларни ҳал қилишда иштирок этади. Участка сайлов комиссиялари фаолияти халқаро ва маҳаллий кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари, оммавий ахборот воситалари каби кучли жамоатчилик назорати остида, холис, очиқ ва ошкора амалга оширилиши бўлажак сайловнинг энг юқори даражада, эркин ва адолатли ўтишини кафолатлайди.

Акмал РАҲМОНОВ,
юридик фанлар номзоди,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Орамиздаги одамлар

Ҳар бир инсон эъзоз ва эътиборда

Инсон меҳнати ва эзгу ишлари билан ҳаётда қадр топади, обрў-эътибор қозонади.

... Икромжон маҳалласидаги соатсозлик устахонасига илк бор йўли тушганида бир кун келиб ўзи ҳам ана шу касбнинг эгаси бўлиши хаёлига келмаган бўлса керак. Ўшанда эгнидаги оқ яктаги ярашиб турган отахон ўз ишини меҳр билан бажарар, пешонасидаги билинар-билинмас реза тер унинг сидқидилдан меҳнат қилаётганидан дарак берарди. Устанинг қўлидаги буюртма тайёр бўлгач, чеҳраси ёришиб кетгани ҳамон ёдида.

Устахонага кираверишдаги ток новдаларининг қирқилиб тартибга солингани, ҳовли саҳнининг супуриб-сидирилгани киши бахри-дилини очарди. Шинам, ёруғ хона саҳнида бўш жой йўқ. Деворда осиғлиқ турли соатлар, токчалардаги электрон ва чўнтак соатларига уста қайта ишлов берган. Барчаси таъмирланиб, янгича кўриниш касб этган. Истарали ва дилкаш отахоннинг аниқ ҳисоб-китобга асосланган кундалик иш фаолияти, чақкон қўл ҳаракатлари ўсмир Икромни беихтиёр ҳайратга солди.

— Бу касб сенга ёқадими? — сўраганди уста салом-аликдан сўнг мийиғида кулиб.

— Ҳа, албатта. Лекин эплаб кетишга кўзим етмаяпти...

— Осон касб-ҳунарнинг ўзи йўқ, — деди уста меҳрибонлик билан. — Ҳаммаси ўзингга боғлиқ.

Устанинг оталарча насиҳати ва ширин сўзи ўсмир кўнглини тўлқинлантириб юборди. У ўшандан буён бўш вақт топди дегунча бу ерга келиб, устанинг юмушларига қарашиб турадиган бўлди.

Соатсозлик — анча нозик иш: сабр-тоқат ва чидам талаб қилади. Лекин шунга қарамай Икром қисқа муддат ичида соат таъмирлашнинг сиру асрорларини пухта ўрганиб олди.

Соатсозлик ҳунари унинг ҳаёт мазмуни ва маслагига айланди. Бироқ ҳаво совий бошлагач, болалигида пайдо бўлган кучли ревматизм хасталиги безовта қилар, тана аъзолари заифлашиб, ҳатто қўлидаги қисқични ҳам сезмай қоларди. Кун бўйи битта буюртмани аранг уддаларди. Баъзан иситмалаб тўшакда ётиб қоларди. Бундай пайтларда дўстлари унга юпанч бўлар, қолаверса, ўзи ҳам иродали — дардга осонликча бўйин эгмасди. Китоб, газета ва журнал ўқишни канда қилмас, бирор янги асар ўқиса, ўзини енгил ҳис этар, ҳаётга бўлган муҳаббати янада ошарди. Даволанганидан сўнг яна оиласи, дўстлари ва устози ёнига шошиларди.

Икромжон шу орада Тошкентда бир йиллик соатсозлик курсида ўқиди, ўзи истиқомат қилаётган Жиззах шаҳар "Зилол" маҳалласида соатсозлик устахонаси очди.

Ҳунарлар замирида тўкинлик, фаравонлик, инсонни камолотга етакловчи кўплаб эзгу қадриятлар мужассам. "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, биринчи гуруҳ ногирони Икромжон Иномов чорак асрдан буён "Зилол" маҳалласидаги соатсозлик устахонасида фаолият юритади. Бу ерда унга шогирдлари Ботир ва Рустам яқин кўмакчи. У шу кунга қадар ўн бешдан зиёд шогирд тайёрлади. Шогирдлари бугунги кунда вилоятнинг Фориш, Ғаллаорол ва Жиззах туманларида мустақил фаолият юритмоқда.

Бундан беш йил муқаддам Икромжон Иномов нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган якка тартибдаги оилавий тадбиркорликни ҳам йўлга қўйди. Турмуш ўртоғи Офият, фарзандлари Акмал, Фурқат, Бунёд ва Дилрабо унга доимо кўмакдош. Оилавий тадбиркорлар ҳар ойда 2 миллион сўм соф фойда олишга эришяпти.

Маҳалладошлар бу оилани намунали, мустаҳкам, аҳил-иноқ дея таърифлайди.

— Икромжон ва унинг оиласини маҳаллада катта-кичик ҳурмат қилади, — дейди "Зилол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Калонхўжа Даминов. — Ҳар йили кўча ва хиёбонларимизни ободонлаштиришда бош-қош, кам таъминланган оилаларга ўз маблағи ҳисобидан ёрдам беради. Бундай инсонлар ёшларимизга ҳар томонлама ўрнак.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида Икромжон Иномов юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Биринчи Президентимизнинг фармонига мувофиқ "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Оддий, камтарин ва камсуқум, шу билан бирга одамларга меҳри баланд бу инсон ҳаёти ва интилиши, фаолияти мисолида тинч ва осойишта, фаровон ва тўкин Ўзбекистонимизда ҳар бир инсон эъзоз ва эътиборда экани, улар учун чекланмаган имконият ва имтиёзлар яратилганига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Инсон қадр-қиммати улуғланган юртимизда астойдил қилинган меҳнат самараси эса завқли, нони тотли бўлади. Бундан ҳам ўзи, ҳам эл-юрт наф кўради. Шу боис ҳам бугун Иномовлар оиласи эъзозда.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Фан ойлиги

Она тилини ўқитиш такомиллашмоқда

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили 21 октябрь — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан "Тилга эътибор — элга эътибор", "Ўзбек тили — давлат тили", "Одоб боши — тил" каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилади.

Айни шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида октябрь ойини — ўзбек тили ва адабиёти фанлари ойлиги, деб эълон қилган. Унинг доирасида очиқ дарслар, учрашувлар, викторина ва танловлар ташкил этилмоқда. Айни кунларда ойлик доирасида ўзбек тилига оид илмий-маърифий адабиётлар, луғатлар, дарслик ва қўлланмалар тақдимотлари ўтказилаётир. Ёзувчи ва шоирлар, тилшунос ва адабиётшунос олимлар, санъат ва маданият намояндалари, маънавият тарғиботчилари иштирокида ташкил этилаётган адабиёт ҳафталиклари, ижодий анжуманлар, маърифий кечалар, турли кўрик-танлов ва интеллектуал беллашувлар ёшларнинг ўзбек тили ва адабиётига қизиқишини орттириш, иқтидорини юзага чиқариш, ижодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Республика Таълим маркази ташаббуси билан мамлакатимиздаги тилшунос олимлар ва услубчилар ўқув-услубий тавсиялар, адабиётлар чоп этмоқда. Хусусан, "Ўзбек тилини ўқитиш методикаси", "Она тили таълимида узвийлик", "Нутқ маданиятини ўрганиш", "Тил ва адабиёт ўқитувчиларининг вазифалари", "Ўзбек тили" (мустақил ўрганувчилар учун), "Она тили фанидан плакатлар тўплами", "Ўзбек тили фанидан адабий-маърифий матнлар тўплами" каби қатор қўлланмалар яратилди. Жорий йилда ўзбек тили фанига ихтисослашган мактабларнинг 5-6-синф ўқувчилари учун "Нутқ маданияти" ўқув қўлланмаси тайёрланди.

— Ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича ўқув машғулотларига илғор педагогик технологиялар жорий этилаётгани таълим мазмуни ва сифатини ошириш, ўқувчилар билимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, — дейди Республика таълим маркази филология фанлари бўлими бошлиғи Дилдора Нуриддинова. — Таълим маркази томонидан рус ва қардош тилларда ўқитиладиган мактабларнинг 4-5-синф ўқувчилари учун "Ўзбек тили", умумтаълим мактабларининг 5-синфлари учун "Она тили" ва "Адабиёт" дарсликлари қайта нашр этилди. Марказимиз ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети олимлари ҳамкорлигида таълим қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 2-синф ўқувчилари ва ўқитувчилари учун "Ўзбек тили" ўқув қўлланмаси мультимедия иловаси билан бирга яратилди.

Таълим масканларида "Она тили", "Адабиёт", "Ўзбек тили", "Одобнома", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Тарих" каби ўқув машғулотларида ҳам ўзбек тили, унинг ривожланиш тарихи, қонуниятлари ва назарияси пухта ўргатилмоқда. Мактабларда "Она тилим — фахрим, ғурурим", "Тил — миллат кўзгуси" каби мавзуларда иншолар танлови ўтказилиши анъана тусига кирган.

Ўзбек тили ва адабиёти фанлари ойлиги босқичма-босқич ўтказилади. Биринчи ўн кунликда ўзбек тили фани бўйича улардан тест олиниб, ўқувчиларнинг билим даражаси баҳоланади. Кейингисида ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда дарслар янада бойитилиб турли педагогик технологиялар асосида чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Бундан кейин ўқувчилар ўзлари фанлар бўйича деворий газеталар, рефератлар билан қатнашади, охирги босқичда тил байрами тадбирлари ўтказилиб ўқувчилар иштирокида шеър, айтишув, саҳна асарлари ижро этилади.

Ойлик давомида биз ҳам мактабларда кичик тадқиқот ўтказдик.

— Ойликнинг биринчи ҳафтасида синфлар кесимида она тили ва адабиёт фанидан тест олинади, унинг натижалари мониторинг қилинади, — дейди Миробод туманидаги 218-умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Раъно Умарова — Бунда ўқувчилар айнан қайси саволларга қийналаётгани аниқлаштирилиб, ойлик давомида ўша мавзулар бўйича режа ишлаб чиқилади ва шу асосда ўқитилади. Бунинг натижасида кириш тестларида ўқувчилар билими кўрсаткичи 80 фоиздан кам бўлмайди.

— Мактаб ўқувчиларидан ойлик бошида олинган тест ўқувчилар билимини 76 фоиз миқдорида баҳолаган бўлса, энди бу кўрсаткич 89 фоизга етди, — дейди Яшнобод туманидаги 206-умумтаълим мактаби директори Мафтуна Ҳамдамова. — Ўқувчилар ана шу бир ой давомида машғулотларда фаол қатнашиб, билимларини бойитиш имконига эга бўлади. Шунингдек, мактабимизда тил байрами ташкил этилиб, ўқувчиларимиз саҳна чиқишлари воситасида ҳам билим ва маҳоратларини намоён этишди.

— Фан ойлиги доирасида ташкил этилаётган викторина ва танловларга ўқувчиларимиз йил давомида тайёргарлик кўради, уларда қизғин иштирок этиб, билимларини янада бойитади, — дейди Юнусобод туманидаги 17-умумтаълим мактаби директори Гулноза Мирзабоева. — Мактабимизда ўзбек тили ва адабиёти фанлари тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Мазкур тўгаракларда ўқувчиларимиз фанни янада чуқур ўрганиб, турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Яқинда "Она тилим — фахрим, ғурурим" мавзусида ўтказилган маърифий тадбирда таниқли тилшунос, адабиётшунос олимлар иштирок этиб, ўқувчилар билан юзма-юз мулоқот ўтказди. Она тилимизнинг софлиги, уни асраб-авайлаш йўлида амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди. Бу ўқувчиларимиз онгу шуурида она тилимизга меҳр ва масъулият туйғусини янада оширди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама ўрнида

XALQ BANKI

Тадбиркорлик — фаровонлик асоси

Халқ банки бугун юртимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ишбилармонларга, оилавий тадбиркорларга ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор бераётир.

2016 йил 5 октябрда имзоланган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони хусусий секторни ривожлантириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, энг муҳими, халқимиз фаровонлигини янада ошириш йўлидаги дадил қадамлардан бўлди. Ушбу ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаб, соҳани янада либераллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Фармонга асосан, тадбиркорлик субъектларига янги имтиёзлар тақдим этилади, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувга чек қўйилади. Текширишларни ўтказиш сони ва муддати қисқартирилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатлари камайтирилади.

Молия муассасалари ажратаётган кредитлар жойларда, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаётгани, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга молик. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз, кам фоизли, имтиёзли, узоқ муддатли кредит маблағлари тадбиркорга қулай муҳит яратишнинг бош омилларидан саналади.

Халқ банки **жорий йилнинг 9 ойида 7 мингга яқин** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига **1 триллион 21 миллиард** сўмдан зиёд кредитлар ажратди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **31 фоизга** кўп. Жумладан, **5 мингга яқин** тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми **348,3 миллиард** сўмни ташкил қилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **31,3 фоиз** ўсишга эришилди.

Бу жараёнда банк **2,2 мингдан зиёд тадбиркор хотин-қизларга 2,2 миллиард** сўмлик кредитлар ажратди. Айниқса, коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини пухта ўргатиш, уларни ўқишни битирмасданоқ ўз иш ўринларига эга бўлишларини таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришиляпти. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида касб-ҳунар коллежларининг **1704** битирувчисига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун **36,8 миллиард** сўмлик кредитлар ажратилиб, натижада **2 мингга яқин** янги иш ўрни яратилгани фикримизни яққол тасдиқлайди.

З.Каримова, Андижон вилояти Избоскан тумани "Раҳматилло" чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари:

— 2016 йилги манзилли дастур бўйича наслли қора моллар сотиб олиб, чорва молларини кўпайтириш учун кредит олиш мақсадида Халқ банкининг Избоскан туман филиалига бизнес-лойиҳамни тақдим этдим. Банк мутасадди ходимлари бизнес-лойиҳамни қисқа муддатда ўрганиб чиқиб, 490 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Мазкур кредит сабаб ишимиз кўлами анча кенгайди. Ҳозир биз парваришлаётган наслли қора молнинг бозори чаққон. Ҳатто харидорлар уйимизга излаб келмоқда.

Келгусида ниятларимиз катта. Банк хизматларидан кенг фойдаланган ҳолда фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлаш ва қаймоқ қадоқлаш цехларини ишга туширишни режалаштирганмиз. Натижада яна бир қанча ёшларни муқим иш ўринлари билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Б.Исмоилов, Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги "PARNAS PHARM GROUP" МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз асосан дори-дармон воситалари ишлаб чиқаради. Фаолиятимизни кенгайтириш, қўшимча янги иш ўринлари яратиш ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Халқ банкининг Яшнобод туман филиалига мурожаат этдик. Банкнинг мутасадди ходимлари бизнес-лойиҳамиз билан яқиндан танишгач, қисқа муддатда 800 миллион сўм миқдорида кредит ажратди.

Мазкур кредит ҳисобига хориждан зарур бўлган хомашёни келтириб, нафақат Тошкент шаҳри, балки Фарғона, Андижон, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги мижозларимизга ҳам сифатли ва арзон нархларда дори-дармонлар етказиб беряпмиз. Кўрсатилаётган хизматлардан мижозлар мамнун.

Келажакда ушбу банк билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, ўз бизнесимизни кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ҳамда аҳоли учун сифатли маҳсулотлар етказиб беришни мўлжаллаганмиз. Насиб этиб, режаларимиз амалга ошса яна бир нечта янги иш ўрни вужудга келади.

Н.Хўжаева, Хоразм вилояти Гурлан туманидан, якка тартибдаги тадбиркор:

— Шу йил Гурлан туманидаги Ижтимоий иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежини битирдим. Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида Халқ банкининг Гурлан тумани филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Бизнес лойиҳам маъқуллангач, менга банк 75 миллион сўм кредит ажратди.

Мазкур маблағ ҳисобига нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуна ва дастгоҳлари ҳамда хомашё сотиб олиб, фаолиятимни бошладим. Ҳозирда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўзининг сифати ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлаётир.

Н.Халидбекова, Ангрен шаҳрида фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркор:

— Халқ банки Ангрен шаҳар филиалидан шу йил март ойида айланма маблағларни тўлдириш мақсадида 40 миллион сўм кредит олган эдим. Ҳозирда ушбу кредит ҳисобига аҳолини сифатли ноозиқ ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келяпмиз. Қолаверса, мазкур кредит ҳисобига икки нафар ёш мутахассис доимий иш билан таъминланди.

Кредит олганимга ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ишларим ўнгидан келиб, 2 миллион сўм соф даромад олишга эришдим. Келажакда олинган кредитни вақтида тўлаб, банк билан ҳамкорликни янада кенгайтирмоқчиман. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режамиз бор. Агар шу режамиз амалга ошса, яна бир нечта янги иш ўрни ташкил этиш имконига эга бўламиз.

Ж.Ерниязов, Қорақалпоғистон вилояти Тўрткўл тумани "Чибукличи Чарос" деҳқон хўжалиги раҳбари:

— Ўтган йили чорвачиликни ривожлантириш ва бўрдоқи мол сотиб олиш мақсадида Халқ банкининг Тўрткўл тумани филиалидан 65 миллион сўм кредит олгандим. Бунинг эвазига чорвачиликка катта эътибор қаратдик. Натижада касб-ҳунар коллежини тамомлаган уч нафар ёш доимий иш жойига эга бўлди.

Ҳозирда олган кредитни ўз вақтида қайтариб, фаолиятимизни кенгайтириш, келажакда сутни қайта ишлаш цехини ишга туширмоқчимиз. Албатта, бу борада ҳам Халқ банкининг Тўрткўл тумани филиали кўмагига таянамиз.

Халқ банки тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга бериладиган кредитлар салмоғини мунтазам ошириб келмоқда. Банк филиаллари амалга ошираётган ишларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Банк ахборот хизмати

Хизматлар лицензияланган

MILLIY TIKLANISH
45 (417) 2016 йил 26 октябрь, чоршанба

Қўмита йиғилиши

Интернетдан самарали фойдаланиш

тадбиркорлик субъектлари учун янада қулайлик яратади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Интернет орқали тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат этувчи ҳужжатларни топшириш тизимини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил қилди. Унда депутатлар, тегишли вазирликлар масъул ходимлари, соҳа мутахассислари, тадбиркорлар ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ хусусий мулк давлат ҳимоясига олинди, Конституциямизда ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли экани, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши, истеъмолчилар ҳуқуқларининг устунлиги, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги кафолатланди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишда имтиёз ва енгилликлар бериш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, уларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида ҳам тадбиркорлик субъектларини Интернет орқали давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, лицензиялаш ва бошка рухсат берувчи тартиб-таомилларни амалга оширадиган ваколатли давлат органлари маълумотлар базасининг "Лицензия" ахборот тизими мажмуаси билан интеграциялашувини жадаллаштириш масалаларига алоҳида этибор қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда давра суҳбати иштирокчилари тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини соддалаштириш, Интернет воситасида амалга оширишни янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

— Юртимизда давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига фаолият учун рухсат берувчи ҳужжатлар тақдим этиш тартибларини соддалаштиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаев.** — Хусусан, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунлар тадбиркорлик субъектларига лицензия бериш ва рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солади. 2015 йилда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун қабул қилингач, мазкур қонунларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларни электрон шаклда юбориши ва қабул қилиши бўйича меъёрлар киритилди, лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат бекор қилиниши ҳақидаги ахборотни нафақат оммавий ахборот воситалари, балки ваколатли органнинг расмий веб-сайти орқали ҳам эълон қилиш мажбурияти белгиланди. Бу эса тадбиркорлар учун қатор қулайлик яратмоқда. Зеро, тадбиркорлик субъектларига сифатли электрон давлат хизматларини кўрсатиш фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Чунки ариза берувчилар билан электрон шаклдаги муносабатлар, ўз навбатида, коррупциянинг олдини олади, тадбиркорлик фаолияти олдидаги тўсиқларни бартараф этади. Қолаверса, тадбиркорларнинг давлат органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давра суҳбатида соҳага доир қонунчилик меъёрларининг амалга татбиқ этилиши масалалари муҳокама этилди, тадбиркорлик субъектларини Интернет орқали рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шуҳрат ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ҳозирда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва фаолият юритиши учун рухсат берувчи ҳужжатларни олиш бўйича қулай имкониятлар яратилди. Бироқ жуда тез ривожланаётган давр давлат хизматларини Интернет орқали кўрсатиш қўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам юқори даражада ахборотга эга бўлишни таъминлаш, ягона миллий ахборот маконини шакллантириш орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, идораларарo ва идора мажмуаларининг ахборот тизимларини бирлаштирувчи миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини, айниқса, Интернет тармоғининг миллий сегментларини ривожлантириш долзарб вазифа этиб белгиланган. Шу боис мазкур соҳадаги фаолиятни янада такомиллаштириш борасида қатор таклифларни илгари суряпмиз. Масалан, тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни онлайн тарзда олиш бўйича кўникмаларни янада ошириш, уларни глобал тармоқ орқали давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилишга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш лозим. Бу тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга янада кенг имконият ва шароит яратишга хизмат қилади.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Истиқлол манзаралари

Тараққиётга юз бурган Денов

Шарқда Боботоғ, ғарбда Бойсунтоғ билан ўралган Денов заминига тоғлар бағридан тушиб келинади. Тупроғига Сурхондарё, Тўпаланг, Сангардак, Қизилсув дарёлари, Ҳазорбоғ, Ойбарак каналларидан оби ҳаёт инади. Суви мўл, замини унумдор, ҳавоси мусаффо бўлгани учун аждодларимиз қадимқадимдан бу ерда қалъалар, кентлар, шаҳарлар барпо этиб, умргузаронлик қилган.

Эрамиздан аввалги икки мингинчи йилликлар охирида мавжуд бўлган шаҳар ўрни Будрачтепа вайроналари остида сақланиб қолган. Ундан кейин Будрачтепа яқинида Чағониён кенти, ҳозирги Денов шаҳридан 6 километр жануби-ғарбда, Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиш жойида қад ростлаган. Бундан ташқари, бу водийда Холчаён, Кулолтепа, Оққўрғон, Тешиктепа, Қизқўрғон, Қиличбулоқ каби қадимий мулклар, қалъалар ҳам мавжуд бўлган. Милодий VIII асрдан кейин Денов шаҳри бунёд этила бошланган. Унинг номи ёзма манбаларда дастлаб XIV аср охири XVI аср бошларида тилга олинади. Машҳур тарихчи Шарофиддин Али Яздий "Зафарнома" асарида бу ҳақда "Деҳаинав", яъни одамлар кўчиб борган янги жой, деган маънони билдиради, деб маълумот беради. XVII аср муаррихи Маҳмуд ибн Вали Деновни ажойиб бозори, катта масжиди, хонақоси ва мадрасаси бўлган мустаҳкам қалъа деб эътироф этади. Тарихи олис ўтмиш билан боғланган — Денов деб аталган бу шаҳар бағрида эндиликда қадимий қалъа ўрни ва Саид Оталиқ мадрасаси меъморий ёдгорлиги сақланиб қолган.

Ислом оламида машҳур бўлган Шайх Аловуддин Аттор, Султон Санжар Мозий, Муҳаммад Зоҳид ҳазратларининг ҳам қадамжолари Денов ҳудудида жойлашган.

Деновда Фирдавсий "Шоҳнома"сининг дастлабки минг байтини ёзган шоир Дақиқий яшаб ижод этган. Ўз даврида унинг иқтидорини юксак баҳолаган Чағониён амири шоирнинг биргина ғазалига 40 отни ҳадя қилгани ҳақида маълумотлар бор. Яна бу гўшада ғазалнавис шоир Фаррухий, Чағоний каби ижодкорлар шуҳрат қозонган.

Ижод аҳли томонидан Денов адабий муҳити вакиллари деб тилга олинаётган истеъдод соҳибларининг истиқлол йилларидаги фаолияти ва яратаётган асарлари салмоқли ўринга эга. Айниқса ёш авлод орасида уларнинг кўплиги бизни қувонтиради. Мустақиллик йилларида истеъдодли қизларимизга бериладиган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг тўрттаси деновлик ёшларга насиб этди. Булар — Феруза Қурбонова, Шаҳноза Турсунова, Фарида Тошпўлатова ҳамда Дилрабо Норқулова.

Узоқ асрлик тарихга эга Деновнинг жамоли бугун ҳар қачонгидан ҳам гўзал ва бетакрордир. Бунёдкорлик ишларини севадиган, фарзандларига обод Ватанни қолдирмоқ ниятидаги кишиларнинг азму шижоати, ташаббускорлигига тасанно айтасиз. Биргина қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини олайлик. Ўтган йиллар давомида Денов туманида 700 дан ортиқ намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилган бўлса, жорий йилда яна 190 хонадонда ҳовли тўйлари ўтказилади. Айни кунларда "Фарғона" ҚФЙ ҳудудидаги "Водий" маҳалласида ҳам қурилиш ишлари изчиллик билан давом этмоқда.

Маълумки, аҳолининг турмуш даражаси нафақат даромад манбаи, балки яшаш шароити ва замонавий уй-жойлар билан ҳам белгиланади. Шу боис жойларда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга кўплаб янги мавзелар барпо этилмоқда.

— Шундай дориломон кунларга етказганига шукр, — дейди меҳнат фахрийси Саида Абдураимова. — Маълумки, яқин-яқингача қишлоқларда пахса девор ёки лой ғиштдан уй қуриларди. Шароитлари ҳам ўзига яраша бўлган. Барча қулайликларга эга намунавий уйларнинг мўъжаз ҳовлисида экин экиш, боғ яратиш имкони бор. Бир сўз билан айтганда, қишлоқлар шаҳар кўркини олаётир. Янги уй-жойларда тўйлар, кўплаб қувончли кунлар нишонланмоқда. Бундай улуғвор ишлар замирида юртимиздаги тинчлик, ҳотиржамлик, халқимизнинг бунёдкорлиги мужассам...

Туманда ишлаб чиқариш, саноат йилдан йилга юксалиб бормоқда. Ўтган йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ялпи ҳажми салкам 570 миллиард сўмни ташкил этди. Шубҳасиз, даромаднинг бир қисми туман ҳудудини обод қилиш, миллий ва замонавий шаҳарсозлик асосида қайта қуриш, кўркам масканга айлантириш каби бунёдкорлик ишларига сарфланаётир. Яқинда бу ерда Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайтадан тикланиб, ободонлаштирилди. Мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Боғ ичида ёзги концерт зали барпо этилиб, "Нуронийлар чойхонаси" мукаммал таъмирдан чиқарилди. 30 га яқин янги қурилган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юрита бошлади.

Туманда кўкламзорлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш, умуман, кўркам масканлар яратиш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Ўзбекистон Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг Денов илмий тажриба станцияси ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бу масканда дунёнинг турли нуқталаридан келтирилган 700 дан ортиқ турдаги ўсимликлар, мевали, манзарали дарахтлар, буталар экилган. Улар бу ерда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ишароитига иқлимлаштирилади. Шундан кейингина экишга тавсия қилинади.

Денов ҳудуди чўллар тугаб, тоғлар бошланадиган минтақага

тўғри келади. Бу — ҳавонинг соф-лигига кафолат: ёзи салқин, қиши мўътадил. Шу боис бир вақтлар бу ерда шакарқамиш етиштирилган. Денов хурмоси наинки мамлакатимиз, балки хорижда ҳам машҳур. Кейинги йилларда нафақат текисликлар, балки туман адирликларида, Ўшор, Сина каби тоғ қишлоқларида ҳам олманинг турли навлари, нок, узум мевалари етиштирилиб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Дарвоқе, Сина қишлоғида ажойиб бир табиат мўъжизаси ҳам борки, уни Сунбуламозор номи билан атайдилар. Юқоридан келаётган зилол сув томчилари маржондек тўкилиб, офтобда товланади. Ёзнинг жазирамасида унинг ён-атрофида ҳарорат 19 даражадан ошмайди...

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, илмга сарфланган маблағ асло зое кетмаган. Давлатимизнинг таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасида олиб бораётган ислоҳотлари ва сарфлаётган маблағлар қўлами дунё мамлакатлари орасида ҳам юқори кўрсаткичга эга. Биргина истиқлол йилларида туманда 14 касб-ҳунар коллежи ва бир академик лицей фаолияти йўлга қўйилди. Академик лицей ва коллежлар бинолари янгидан, замонавий ҳамда миллий асосда бунёд этилди. Ўқитиш ишлари халқаро андозаларга монанд тарзда олиб борилмоқда. Айни пайтда, коллежларда туман ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаёти учун зарур бўлган, хусусан, тиббиёт, спорт, педагогика, енгил саноат, тоғ-кон саноати каби соҳалар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бу кадрлар туманнинг ўзида иш билан таъминланмоқда. 6,5 мингдан ортиқ йигит-қизларни бағрига олган бу академик лицей ва коллежларда юртимиз келажагини, порлоқ истиқболини яратадиган ёшлар камолга етмоқда.

Денов туманидаги 1-умумтаълим мактаби кейинги йилларда рейтинг кўрсаткичлари бўйича вилоятда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Ушбу таълим маскани жамоаси кейинги йилларда икки марта "Йил мактаби" кўрик-танловида вилоятда биринчи ўринни олган бўлса, ўтган йили танловнинг республика босқичида иккинчи ўринга сазовор бўлди. Шу боис ҳам ўтган йили 17-18 сентябрь кунлари бу мактабда Халқ таълими вазирлигининг кўчма ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Вазирлик ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, мутахассислар мазкур мактабда амалга оширилаётган ишлар, таълимнинг самарадорлигига юксак баҳо бердилар.

Бу мактаб таъмирланмайди, чунки у ҳеч қачон бунга эҳтиёж сезмайди. Бунинг боиси "Дўстлик" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари соҳибаси Хосият Қориева бошлиқ жамоа ўқувчиларда ўзлари таҳсил олаётган мактабнинг ҳар бир синфхонаси, ўқув қуроли, ҳар бир қарич ерини эъзозлашга ўргатиб келмоқда. Мактаб ўқувчилари тартиб-интизомни, одоб-ахлоқни юксак қадрлайди. Бундай кўникмалар бир кунда, бир йилда пайдо бўлмаган. Бундай маданиятга йиллар давомида, доимий ва узлуксиз меҳнат орқали эришилади.

Таъкидлаш жоиз, туманда битирувчиларнинг олий ўқув юртига кириш кўрсаткичи жуда юқори — вилоят бўйича иккинчи ўринда. 98 мактаб, 14 коллеж ва 1 лицей бор туманда ўқувчиларнинг нечоғлик билимга эгалигини аниқлаб берадиган ижтимоий мезонлар бор. Бу — билимлар беллашуви ва муайян фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадалардир.

Таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитувчининг касб маҳорати, билим ва кўникмаси муҳим омиллардан саналади. Эътибор беринг: 2014 йил март ойида ўтказилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови вилоят босқичида иштирок этган деновлик 13 ўқитувчидан 10 нафари совринли ўринларни қўлга киритган. Жумладан, тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси Муҳайё Жўраева, 50-мактаб тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси Бахтиёр Турсунов вилоятда 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этдилар.

2015 йилда ўтказилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови вилоят босқичида тумандаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Наргиза Мустафоева ҳамда 17-ихтисослаштирилган мактаб-интернати кимё фани ўқитувчиси Икром Бозоров 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. 24-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Абдусалом Алимардонов эса бир неча бор халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритгач, АҚШда малака ошириб қайтди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мухтасар айтганда, ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, келгусида ўз қизиқишларига мос соҳани танлаб, эл-юрт корига ярайдиган фарзанд бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топишида устозларнинг билими, тажрибаси, маҳорати ва жонкуярлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Миллий ғурур

Ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

2016 йил 14-20 августда Таиландда ўқувчилар ўртасида математика фани бўйича бўлиб ўтган халқаро олимпиада Элдор Неъматов хотирасида ўчмас из қолдирди. Ўттиздан зиёд мамлакатдан олти юзга яқин ёш математик иштирок этган ушбу олимпиадада Элдор яккалик баҳсларида бронза, умумжамоа ҳисобида кумуш — бирданига иккита медални қўлга киритиб, ўзбек ёшлари нималарга қодир эканлигини исботлади.

— Халқаро мусобақадаги муваффақиятимиз озод ва обод Ватанда, истиқлолнинг чексиз имкониятларидан баҳраманд бўлиб вояга етаётганимизнинг ифодасидир, — дейди Элдор. — Бундан чексиз фахрланамиз. Дадам "математика — фанларнинг шоҳи, рақамлар фалсафаси, инсон ақл-идрокининг юксак маҳсули. Унда чексиз имкониятлар намоён бўлади", дея бот-бот такрорларди. Унинг ана шундай ўгитлари менда математикага қизиқиш уйғотган: ота-онам каби математик бўлишни орзу қилганман.

Таиландаги олимпиадага йўлланма олишим осон бўлмади. Чунки билимдон ёшлар жуда кўп, рақобат кучли эди. Халқ таълими вазирлиги ўтказган "Билимлар беллашуви"нинг туман ва вилоят босқичида фаол қатнашган 6-8-синфларнинг 300 ўқувчиси орасидан фақат 4 нафар ўқувчи халқаро олимпиадага йўлланма олди. Ушанда бу ишончни оқлашим керак, юртимга, албатта, медал билан қайтаман, дея қатъий аҳд қилган эдим. Эришилган натижа мени янги довонлар сари олға қадам ташлашга ундамоқда.

Ёш математикнинг опаси Юлдуз Неъматова ҳам 2014 йили Жанубий Кореяда ўтказилган халқаро ёш математиклар олимпиадасида иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида кумуш медални қўлга киритган, яккалик баҳсларида эса мусобақанинг махсус сертификати билан тақдирланган эди.

— Ёш авлодга замонавий билим, жаҳон андозалари талаблари асосида таълим ва албатта, миллий қадриятларимизга мос тарбия бериш уларнинг интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқаришга хизмат қилаётир, — дейди Китоб туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби, халқ маорифи аълочиси Бахтиёр Абдиев. — Таълим тизимининг барча бўғинида сифат кўрсаткичларининг мунтазам ошиб бораётгани боис ёшларимиз жаҳон миқёсидаги турли танловлар, халқаро олимпиадаларда юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Мактаб-интернатимизга тўртинчи синфни битирган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Элдор ёш бўлишига қарамай масала, тенгламаларни ўзига хос тарзда ишлаши ва тиришқоқлиги билан ажралиб турарди. Бугун у анъанавий масалалардан ностандарт масалаларга ўтиб, мураккаблиги юқори бўлган алгебра, геометрия, сонлар назарияси, комбинаторика, математик мантиққа оид масалаларни ечишнинг илғор усулларини ўрганмоқда. Эътироф этиш жоиз, бугун шогирдларимиз АҚШ, Вьетнам, Хитой, Жанубий Корея каби қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган нуфузли танловларда муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Бу юртимизда ёшларга берилаётган эътибор, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши йўлида яратилган шароитлар меваси. Ўйлайманки, улар ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, бундан буён ҳам юртимиз довруғини дунёга ёйишга ўз ҳиссасини қўшади.

Мутахассисларнинг фикрича, мусобақада берилаётган масалалар йилдан-йилга мураккаблашиб, ҳақиқий билимдонликка қўйилган талаблар ҳам ортиб бормоқда. Вакилларимиз дунёнинг 30дан ортиқ ривожланган мамлакатидан келган 600 нафардан зиёд иқтидорли ўқувчилар орасида совринли ўринларни эгаллаши ўзига хос жасорат саналади. Айниқса, Қашқадарё вилоятининг чекка бир туманида вояга етаётган 14 ёшли Элдорнинг бирданига иккита медалга сазовор бўлиши юртимиз ёшларининг салоҳиятини яна бор кўрсатди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда, — дейди 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, халқ маорифи аълочиси Ҳабиба Хидирова. — Мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий ўқув-услубий жиҳоз ва воситалар, компьютер техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўқувчиларнинг юксак билим чўққиларини эгаллашида муҳим омил бўлмоқда. Ёш авлод камолотига қаратилаётган юксак эътибор, зиё масканларида таълим олиш учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар фарзандларимизнинг илм-фанга қизиқиши ва меҳрини оширмоқда.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, бой маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш борасида олиб борилган эзгу ишлар самарасини бугунги кунда ёшларимиз эришаётган ютуқларда кўриш мумкин. Ҳолбуки, собиқ тузум даврида Элдор тенгилар мактабдан нарини кўрмаган, халқаро миқёсда ғолиб ё совриндор бўлиш у ёқда турсин, ҳатто шундай беллашувлар борлигидан ҳам бехабар ўтган. Бугун эса мустақил Ўзбекистонимизнинг юзлаб фарзандлари халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини юксакларга кўтармоқда. Бу навқирон авлод истиқболи йўлида яратиб берилган чексиз имкониятлар ўғил-қизларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар бўлиб вояга етаётганидан ёрқин далолатдир.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Буюк кашфиёт, ташаббус ва амалий ишлар эътирофи

Нобель мукофотининг бу йилги совриндорлари номи маълум бўлди

"Агар менинг мингта ғоямдан биттасигина рўёбга чиққан тақдирда ҳам, бундан фақат мамнун бўламан", деган эди буюк швед олими Альфред Нобель. Унинг ғояларидан бири — илм-фан соҳасидаги улкан кашфиётлар учун мукофот таъсис этиш орзуси олим вафотидан кейин амалга ошди: унинг васиятига кўра, олимдан мерос қолган маблағ асосида Нобель жамғармаси ташкил этилди. 1901 йилдан Нобель мукофоти ҳар йили мазкур жамғармага келиб тушадиган даромад беш қисмга тенг тақсимланиб, ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадиий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берила бошланди.

Швеция давлат банки 1968 йилда ўзининг 300 йиллиги муносабати билан иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча Нобель мукофотини таъсис этади. Мазкур мукофот ҳам худди шу тартибда топширилади. Фақат харажатлар давлат банки ҳисобидан қопланади. Нобель мукофоти Альфред Нобель тасвири туширилган олтин медаль, диплом ва миқдори Нобель жамғармасидаги даромадга боғлиқ маблағдан иборат.

Альфред Нобелнинг васиятига кўра, мукофот совриндорларини аниқлаш ва эълон қилиш вазифаси Стокгольмдаги қироллик фанлар академияси (физика, кимё, иқтисод бўйича), Стокгольмдаги қироллик тиббиёт-жарроҳлик институти (физиология ёки тиббиёт бўйича) ва Стокгольмдаги Швеция академияси (бадиий асарлар бўйича) зиммасига юкланган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Нобель мукофотини Норвегия парламентининг Нобель комитети аъзолари топширади.

Шу ўринда айтиш жоиз, Нобель мукофоти ҳамма муҳим соҳа ва фан йўналишларини ҳам қамраб олмаган. Хусусан, математика ва информатика. Нобель аввалига математикани мукофот бериладиган фанлар қаторига киритади. Кейин эса негадир уни рўйхатдан ўчириб ташлайди. Олимнинг нега бундай қарорга келгани ҳалигача номаълум. Бироқ бу борада бир қанча тахминлар бор. Баъзилар бу машҳур швед математиги Миттаг-Леффлер билан бевосита алоқадор бўлиб, Нобель уни ёқтирмаган, деган тахминни илгари сурса, айримлар бунга Альфред Нобелнинг севгилиси Софи Хесснинг математикка турмушга чиққани сабаб бўлган, дейишади. Бир қатор олимлар ўз даврининг машҳур математиги бўлган Миттаг-Леффлер ўша вақтда Нобель мукофотига энг муносиб номзод бўлганини таъкидлайди. Нобель жамғармаси ижроия қўмитасининг директори эса қуйидагича изоҳ беради: "Архивларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Энг яқин хулоса шуки, математика Нобелнинг қизиқишларига унча мос келмаган. У мукофот учун ажратиладиган маблағни ўзи ёқтирган соҳалар учун сарфланишини хоҳлаган".

Кейинчалик ана шундай кемтикликларни тўлдириш мақсадида математиклар учун ҳам нуфузи Нобель мукофотидан кам бўлмаган махсус Филдс, Абелев, информатика соҳасида эса Тьюринг мукофотлари таъсис этилади.

Шу йилнинг 3 октябридан бошлаб Стокгольм ҳамда Осло шаҳарларида Нобель ҳафталиги бўлиб ўтди. Одатга кўра, ҳафталик давомида физика, кимё, тиббиёт, адабиёт, иқтисод ва тинчлик йўналишлари бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлганларнинг номлари эълон қилинди.

Бу йил физика йўналишидаги Нобель мукофотига Буюк Британия фуқаролари — Вашингтон университети профессори Дэвид Таулесс, Принстон университети вакили Данкан Холдейн ҳамда Браун университети илмий ходими Майкл Костерлиц сазовор бўлди. Улар ушбу мукофотга топологик фазали ўтишларга оид илмга қўшган ҳиссаси учун муносиб кўрилди. Олимлар ўта юқори ўтказгичлар, ўта оқувчан суюқликлар ва магнитли тасмалар каби материалларнинг ноодатий фаза (давр)лари ва хусусиятларини таърифлашнинг математик усулларини ишлаб чиқишди. Олимларнинг ишланмалари дунёнинг кўплаб олимлари изланиш олиб бораётган моддаларнинг ноодатий фазаларини қидириш эҳтимолини ҳақиқатга айлантирди. Ўтган йили физика бўйича Нобель мукофоти "нейтрино ўз ҳолатини ўзгартириши мумкинлигини кўрсатадиган тажрибаларга қўшган ҳиссаси учун" япониялик Такааки Кажита ҳамда канадалик олим Артур Макдональдга насиб этган эди.

Швеция қироллик фанлар академияси Нобель мукофотининг кимё йўналиши бўйича 2016 йилги совриндорлари номини эълон қилди. Унга Страсбург университети (Франция) фахрий профессори Жан-Пьер Саваж, Калифорния университети (АҚШ) фахрий профессори Фрезер Стоддарт ва Гронинген университети (Нидерландия) профессори Бернард Феринг "молекуляр машина"лар синтезини амалга оширганликлари учун сазовор бўлди. Кимёгар олимлар йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошира оладиган молекуляр механизмларни кашф этган. Улар ҳақиқий машиналардек ҳаракатлана олади. Булар биринчи галда турли сенсорлар, шу жумладан, тиббиётда ҳам қўлланилиши мумкин. Ўтган йили кимё йўналишида Нобель мукофотига ДНК репарацияси механизмлари борасида амалга оширган изланишлари учун швециялик Томас Линдаль, АҚШлик Пол Модрич ҳамда туркиялик Азиз Санжар лойиқ кўрилган эди. Уларнинг кашфиёти саратонга қарши курашишда тирик ҳужайралар функциясидан янги услубда фойдаланиш бўйича фундаментал билимларни тақдим этиш имконини берди.

Физиология ва тиббиёт йўналишидаги Нобель мукофотига Токио технология университети ходими Ёсинори Осуми ҳужайралар аутофагияси (ўзини ейиши) соҳасидаги кашфиёти учун муносиб кўрилди. Бу кашфиёт ҳужайралар ўз таркибини қандай утилизация қилиши борасидаги тушунчаларимизга янгича фикр ва тасаввурни олиб кирди. Осуминнинг кашфиёти аутофагиянинг кўпгина физиологик жараёнлар, жумладан, очликка мослашиш ва инфекцияларга жавоб беришдаги муҳим ўрнини тушунишга йўл очди. Мукофот тарихига назар ташласак, аксарият ҳолларда ушбу йўналишдаги мукофотни бир вақтнинг ўзида бир неча олим қўлга киритганига гувоҳ бўламиз. Осуми эса тиббиёт соҳасида Нобель мукофотига якка ҳолатда сазовор бўлган 39-совриндорга айланди. 2015 йили тиббиёт бўйича Нобель мукофоти паразит қуртлар чақирадиган инфекцияларга қарши тура оладиган малҳам яратган тадқиқотчилар — Уильям Кэмпбелл ва Сатоши Омура, шунингдек, безгак касалини даволашда самарали таъсир этувчи янги дори воситаси — артемизинни яратгани учун Юю Туга берилган эди.

Бу йил америкалик қўшиқчи, рассом, ёзувчи, киноактёр Боб Дилан адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотига "Америка қўшиқчилик анъанасига янги шеърий ифодани олиб киргани учун" лойиқ кўрилди. Мусиқанинг рок йўналишида ижод қилувчи Боб Дилан дунё мусиқасида ўзига хос ўрин ва мавқега эга. Бу йил 75 ёшни қаршилаган хонанда ижодий фаолияти давомида "Грэмми" мукофотининг тўққиз карра совриндори бўлган. "Қобилиятлилар" фильми учун ёзилган мусиқаси 2000-2001 йилларда кино санъатидаги нуфузли мукофотлар — "Оскар" ҳамда "Олтин глобус"га лойиқ кўрилган. Ўтган йили адабиёт йўналишида Нобель мукофоти беларуслик ёзувчи Светлана Алексиевичга асарларида "инсоният бошидан кечирган азоб-уқубат ва мардликни ўзига хос тарзда тараннум этгани учун" берилган эди.

Иқтисод йўналишидаги Нобель мукофоти шартномалар назариясини тадқиқ этган америкалик олим — Гарвард университети профессори Оливер Харт ҳамда финландиялик олим — Массачусетс техника институти профессори Бенгт Хольмстёрмга насиб этди. Ўтган йили бу мукофотга "истеъмол, қашшоқлик ва фаровонлик" назариясини тадқиқ этган инглиз иқтисодчиси Ангус Дитон лойиқ топилган эди.

Тинчлик бўйича Нобель мукофотига Колумбия Президенти Хуан Мануэл Сантос сазовор бўлди. У бунга мамлакатда 50 йилдан зиёдроқ муддат давом этган фуқаролик урушига чек қўйишдаги амалий саъй-ҳаракатлари учун муносиб кўрилди. Маълумот учун: 1964 йилда бошланган ва ҳукумат қўшинлари, Колумбия инқилобий қуролли кучлари ва жиноий синдикатлар ўртасида узоқ йиллар давом этган фуқаролик уруши оқибатида 220 минг киши қурбон бўлган. 2015 йилда тинчлик бўйича Нобель мукофоти "Тунисдаги миллий мулоқот квартети"га берилган. 2013 йили мамлакатдаги демократия жараёнлари хавф остида қолган пайтда ташкил этилган "квартет" Тунис фуқаролик жамиятининг энг муҳим тўрт ташкилотини ўзаро бирлаштиради. Унинг фаолияти туфайли Тунис фуқаролари, сиёсий партиялар ва давлат тизимлари ўртасида мулоқот йўлга қўйилади, келиб чиқиши муқаррар бўлган фуқаролар урушининг олди олинади.

Мукофотланганларни тақдирлаш маросими шу йилнинг 10 декабрида — Альфред Нобель вафот этган санада Швециянинг Стокгольм ҳамда Норвегиянинг Осло шаҳарларида ўтказилади. Олти мукофот ичидан фақат тинчликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бериладиган мукофот Стокгольмда эмас, Осло шаҳрида тақдим этилади. Ўша куни лауреатлар мукофот таъсисчиси — Нобелнинг тасвири туширилган олтин медаль, диплом ҳамда 8 миллион крон (932 минг доллар)га тенг пул мукофоти билан тақдирланади.

Рангин дунё

Мадриднинг "Реал" футбол жамоаси стадиони — "Сантьяго Бернабеу" нафақат Испания, балки дунёдаги энг машҳур, кўркам ва муҳташам спорт иншооти саналади. 81 мингдан зиёд мухлисни сиғдира оладиган стадион бир пайтлар жамоа сафида ёрқин ўйин кўрсатган афсонавий футболчи, жамоа мураббийи, кейинчалик клуб президенти лавозимида фаолият юритган Сантьяго Бернабеу де Есте номи билан аталади. Ўйингоҳда 1964 йилда футбол бўйича Европа, 1982 йилда жаҳон чемпионати, 1957, 1969, 1980 ва 2010 йилларда эса Европа чемпионлар лигаси финал баҳслари ўтказилган.

"Кўҳна қитъа"даги муҳташам стадион

"Реал" футбол жамоаси ташкил этилган 1902 йилда ўз стадионига эга бўлмаган. Ўйинларини асосан ижарага олинган стадионларда ўтказган. Мисол учун, арзимас 150 песет эвазига қироллик оиласидан "Плаза де Торос" стадионини бир йилга ижарага олади. Уни стадион деб бўлмас, балки тирибунаси йўқ оддий майдончадан иборат эди. "Қаймоқранглилар" 1912 йилдан бошлаб қарийб ўн йил давомида мезбон сифатидаги ўйинларини "Кампо де О'Доннелл" стадионида ўтказади. Орадан кўп ўтмай, "Реал" жамоаси сафига кейинчалик клуб тарихида кескин бурилиш ясаган ёш футболчи Сантьяго Бернабеу қабул қилинади. Ўз ўйинларини мазкур стадионда ўтказган йиллари жамоага қироллик клуби мақоми берилади. Бу унвонни 1920 йилда жамоага Испания қироли Альфонсо XIIIнинг шахсан ўзи топширади. Шундан эътиборан қироллик оиласи "Реал" иштирокидаги ўйинларни ўйингоҳда томоша қилишни одат қилади.

1923 йилда жамоа ўз ўйинларини "Велодром де ла Сьюдад Линеаль" стадионида ўтказа бошлайди. Ушбу стадион анча қулай ва кенг бўлишига қарамай, "Реал" раҳбарияти унинг эгалари билан тил топиша олмайди: ўйингоҳ эшиклари жамоа учун ёпилади. Жамоа раҳбарияти охир-оқибат ўзининг стадионига эга бўлиш юзасидан қарор қабул қилади. Қурилиш учун 500 минг песет кредит, кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи асосида ижарага ер олади. Шу тариқа жамоа 15 минг томошабинга мўлжалланган ўз стадионини бунёд этади ва унга "Кампо дель Реал Мадрид" деб ном беради. Бироқ ўйингоҳ шаҳарнинг Чамартин туманида жойлашгани учун "Эль кампо де Чамартин" ёхуд қисқача "Чамартин" номи билан машҳур бўлган. 1924 йил 17 майда мазкур стадионнинг очилиш маросими доирасида "Реал" "Ньюкасл" жамоаси билан ўйин ўтказади ва 3-2 ҳисобида ғалаба қозонади. Мазкур стадион, ўз навбатида, "Сантьяго Бернабеу" ўйингоҳи қурилишига асос яратди, дейиш мумкин. Сабаби, жамоа мазкур стадионда ўйин ўтказган йилларда икки карра Испания чемпионлигини қўлга киритади. Мадридда футболга қизиқиш тобора ортиб боргани сайин катта стадион қуришга эҳтиёж туғилади.

1943 йил 15 сентябрда клубга "Реал" жамоасида муваффақиятли тўп сурган афсонавий футболчи, унинг собиқ бош мураббийи Сантьяго Бернабеу де Есте президент этиб сайланади. У умрининг охирига қадар шу лавозимда фаолият юритади. Эски "Чамартин" стадиони Бернабеуни қониқтирмайди. У шавкатли клуб ўзига муносиб стадионга эга бўлишини истайди. Шу боис клубга президент этиб сайланганидан бир йил ўтар-ўтмас, Европада энг яхши стадион қуриш ташаббусини илгари суради. Бунинг учун 1944 йил 22 июнда 2 миллион песетга "Чамартин" ўйингоҳи ёнидан ер сотиб олинади. Шундан сўнг янги стадион лойиҳаси учун танлов эълон қилинади. Унда меъмор Луис Алемани Солер ҳамда Мануэль Муньос Монастерио лойиҳаси танлаб олинади, 1945 йилдан бошлаб клубнинг янги стадионини бунёд этишга киришилади. 1947 йил 14 декабрда "Нуэво Чамартин" ("Янги Чамартин") стадионининг очилиш маросими бўлиб ўтади. Очилиш маросими доирасида "Реал" ҳамда Португалия чемпиони "Белененсешем" жамоалари ўртасида ўйин ташкил этилади. Унда "қаймоқранглилар" 3-1 ҳисобида ғалаба қозонади. Янги стадиондаги илк голга испаниялик Сабино Баринага муаллифлик қилади. Ўйингоҳ 75,3 минг ўринга эга бўлган. Унда 48 минг мухлис ўйинни тик оёқда, қолганлари эса ўтирган ҳолда томоша қила олган. Бироқ бу стадион ҳам ўша пайтда клуб эгаллаган мавқега мос келмай қолади. Чунки 1954 йилда клуб ўз тарихида учинчи бор Испания чемпионлигини қўлга киритади. Шу боис жамоа раҳбарияти "Нуэво Чамартин"ни қайта қуриш, ўринлар сонини янада кўпайтириш юзасидан қарор қабул қилади. Ўша йилнинг 19 июлида стадионда таъмирлаш ишлари якунига етказилади ва Европадаги энг муҳташам стадионга айланади. Уч қаватли стадион 125 минг ўринга эга бўлади. Бироқ стадионда ўйинни тик оёқда томоша қилиш учун ажратилган жойлар нисбатан кўп эди. Спорт мажмуасини таъмирлаш пайтида ўша даврнинг сўнгги меъморчилик ютуқларидан фойдаланилди. Унинг очилиш маросимида иштирок этган таниқли инглиз меъмори М.Уильямс "менимча бу Европада мен билган стадионлар ичида энг яхшиси бўлса керак", деган эди.

1955 йилда "Реал" бошқарув кенгашида стадионга ҳар жиҳатдан муносиб ном беришга келишилади. Клуб президенти бир неча таклифни илгари сурганига қарамай, кенгаш аъзолари унга бир овоздан "Сантьяго Бернабеу" деб ном беради. Бернабеу бу таклифдан қанчалик норози бўлмасин, кенгаш аъзолари ўз фикрларида собит қолади. Шундан сўнг "Реал" жамоаси 1956-1960 йилларда Европа чемпионлар кубогида кетма-кет беш бор ғолиб чиқади. 1957 йилда "Сантьяго Бернабеу" стадионида ўтказилган Европа чемпионлар кубоги финал баҳсида ўйингоҳ дунёдаги энг замонавий ёритиш тизими билан жиҳозланади. Унгача энг замонавий ёритиш тизими фақат Лос-Анжелес шаҳрида жойлашган "Мемориал Колизей" стадионида ўрнатилган эди.

Стадионда навбатдаги қайта қуриш ишлари Бернабеунинг вафотидан сўнг — 1982 йилги жаҳон чемпионатига тайёргарлик доирасида олиб борилди. Сабаби унда мазкур мусобақа финали ўтказилиши режалаштирилган эди. Натижада стадион томошагоҳининг остки ва олд қисми қайта қурилади, шарқий томошагоҳни ҳисобга олмаганда ўйингоҳнинг деярли барча қисми том билан ёпилади, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда автомобиллар учун махсус жой ажратилади. Жаҳон чемпионати ранглі телевидение орқали намойиш қилиниши муносабати билан стадионга энг замонавий ёритиш воситалари, шунингдек, иккита замонавий электрон табло ўрнатилди. Мухлисларга янада қулайлик яратиш мақсадида туриб кўриладиган жойлар қисқартирилди. Бунинг натижасида стадиондаги ўрин 26 минг 224 тага камаяди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида стадионнинг тўртинчи ва бешинчи қаватлари, томи эса қайта қурилади. Арена бурчаги бўйлаб бочкасифат зина, нуфузли меҳмонлар учун алоҳида ўриндиқлар барпо этилади. Стадион олд қисмига ҳам ўзгартиш киритилади, мухлислар хавфсизлиги тўлиқ таъминланади. Бу ишлар уч босқичда амалга оширилиб, 1994 йилда якунига етазилади. 1997 йилда УЕФА талаби билан туриб томоша қилинадиган жойлар ўрнида алоҳида ўриндиқлар ўрнатилади. Натижада, стадиондаги ўрин яна 21 минг 276 тага қисқаради. "Реал" клуби ўша йили машҳур стадионнинг 50 йиллик юбилейини ҳам нишонлайди. 2000 йилда клуб президенти Флорентино Перес ажратган 127 миллион доллар эвазига 2001-2006 йилларда стадионда яна бир бор қўламдор таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

2006 йилдан бошлаб "Сантьяго Бернабеу" стадионида дунёдаги энг катта спорт дўкони фаолият юритмоқда. Ўйингоҳ музейида эса клуб тарихига доир нодир экспонатлар сақланади. Ундан сайёҳлар қадами узилмайди. "Сантьяго Бернабеу" ўйингоҳи ҳар йили клубга ўртача 120 миллион евро миқдорида даромад келтиради.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Сенсор экранли митти телефон

Хитойнинг "V-Phone" компанияси "Vphone S8" деб номланган дунё миқёсида энг кичик сенсор экранли телефон ишлаб чиқарди.

Бироқ уни бажарган ишига қараб овозли қўнғироқларни амалга ошира оладиган смарт-соатлар синфига киритиш мумкин.

"Vphone S8" 46,7x37,3x9,9 миллиметр ўлчамига эга. Оғирлиги — 30 грамм. 1,54-дюймли сенсор дисплей четлари қайрилган 2,5 D-ҳимоя шишаси билан қопланган. Алюмин корпуснинг ичида MediaTek MT2502 процессори, 64 мегабайт тезкор ва 128 гигабайт доимий хотира, Bluetooth 4 симсиз модули, юрак уриш ва ёруғлик ҳисоблагичи, қадам ўлчагич, FM-радио ва 380 миллиампер-соат ҳажмли аккумулятор ўрнатилган. Шунингдек, унда бир дона sim-карта учун слот ҳам мавжуд.

"Vphone S8" android-смартфон ёки "iPhone"нинг ёрдамчиси сифатида ишлай олади, ўз экранида келаётган маълумот, хабар, эслатма ва қўнғироқларни кўрсатиб туради. Бу эса фойдаланувчини телефонини текшириш учун ҳар сафар чўнтак ёки сумка ковлаш каби оворагарчиликлардан халос этади. Лекин қурилмани қандай олиб юриш ҳамон ноаниқ бўлиб қолмоқда. Чунки унда олиб юришга мўлжалланган брелок ёки қўл гаджети мавжуд эмас.

Телефон 30 долларга баҳоланмоқда.

"Lamborghini"— велосипед

Эстониянинг "Velonia" компанияси "Viks" деб номланган велосипед ишлаб чиқарди.

Унинг дизайни "Lamborghini" тезюрар автомашинаси тузилишидан илҳомланиб ишланган. Муҳандислар уни яратиш учун тахминан уч йил вақт сарфлади. Велосипед асосан қўлда йиғилади. Рамаси қимматбаҳо алюмин қотишмасидан тайёрланган ва сариқ рангга бўялган.

"Viks" велосипедини яқин орада сотувга чиқариш режалаштирилмоқда.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади

MILLIY TIKLANISH
45(417) 2016 йил 26 октябрь, чоршанба

Театр

Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб "Мирзо Улуғбек" драмаси Ўзбек Миллий академик драма театрида қайта саҳаналаштирилди.

Буюк аждодимиз сиймоси саҳналаштирилди

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Олимжон Салимов режиссёр бўлган ушбу саҳна асарида бош ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Яйра Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фатхулла Маъсудов, Беҳзод Муҳаммадкаримов, Лола Элтоева маҳорат билан ижро этган.

Саҳна безакларини Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Бахтиёр Тўраев тайёрлаган. Рассом Лобар Турсунова танлаган либослар асарнинг асосий ғоясини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган.

Мазкур тарихий спектаклда буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбекнинг олим, илм-фан ҳомийси сифатида амалга оширган ишлари, машаққатли ҳаёти, жаҳолатга қарши маърифат билан курашгани акс эттирилган.

— Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида Мирзо Улуғбек образини илк бор ижро этганимдан буён ҳаёлим шоҳ ва олим қиёфасини яратиш билан банд бўлди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. — Қирқ йил ҳукмдорлик қилган одам фақат илм билан шуғулланмаган. У тенгсиз саркарда, забардаст давлат раҳбари ҳам бўлган. Ижрода ана шу сифатларнинг барини умумлаштириб, мураккаб характерли шахс қиёфасини яратишга ҳаракат қилдим. Бунда менга режиссёр яқиндан ёрдам берди.

— 2016 йил театримиз учун баракали келди: юртимиз ва жаҳон илм-фанига ҳисса қўшган мутаффакирларимиз сиймолари талқин этилган қатор спектакллар саҳна юзини кўрмоқда, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театри директори вазифасини бажарувчи Фатхулла Маъсудов. — Хусусан, шу йил бошида "Алишер Навоий" драмасини қайта саҳнага қўйдик. Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига бағишлаб яратилган "Мирзо Улуғбек" спектакли бу хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу саҳна асарида нисбатан мураккаб бўлган Абдулатиф ролини ижро этдим. Образ устида ишлаш жараёнида аҳил ижодий жамоа билан жиддий изландик. Томошабинлар муносабатидан шуни сездикки, меҳнатимиз зое кетмабди.

— Дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди Тошкент кимё-технологиялари институтининг талабаси Ҳумоюн Ўктамов. — Биз ёшлар ана шундай бобокалонларимизга муносиб бўлишимиз шарт. Ушбу спектаклда акс эттирилган шонли тарихимиз саҳналари ва буюк аждодларимизнинг ақл-заковати, жасорати бизга ибратдир.

Юртимиз театрларида шундай мумтоз, бадиий жиҳатдан юксак асарлар намойиш этилиши истиқлол йилларида мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият асосларини барпо этиш жараёнида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни тобора равнақ топтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганининг самарасидир.

Дилфуза ТОШТЕМИРОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кўрик-танлов

Миллий мумтоз наволар

ёш ижодкорлар талқинида

Юртимизда миллий мусиқа санъати ривожига қаратилаётган юксак эътибор, аввало, ёшлар онгу-қалбини эзгуликка эш қилиб, мумтоз меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, янги истеъдод соҳибларини аниқлаш ва юксак ижодий марралар сари илҳомлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамов ижодига бағишланган "Мумтоз наволар" кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда санъаткорлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори А.Ҳайдаров ва бошқалар мамлакатимизда халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш, кенг тарғиб қилиш, миллий мумтоз санъатимизни ривожлантириш, истеъдодли ижрочиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамов миллий мумтоз мусиқа санъатининг йирик вакили, машҳур хонанда ва бастакор, беқиёс овоз соҳиби бўлган, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдулаҳад Абдурашидов. — Устоз репертуаридан ашула, катта ашула, мақом, шунингдек, ўзбек мумтоз ва замонавий шоирлар ғазалларига басталанган асарлар ўрин олган эди.

Ҳофизнинг "Найлайин", "Қоши ёсинму дейин", "Қора бўлибдур", "Сенсан севарим", "Ёр ўтдиму", "Оҳиста-оҳиста", "Субҳидам", "Ватандир", "Пайдо бўлибдур" сингари ўнлаб ашулалари ўзбек қўшиқчилик санъатининг гултожи сифатида олтин фонддан ўрин олган.

— Мазкур кўрик-танлов устоз ҳофизлар ижрочилик маҳоратини ўрганиш, ана шу йўналишда ижод қилаётган биз ёшларга овоз имкониятларимизни яна бир бор синовдан ўтказишга берилган кенг имкониятдир, — дейди наманганлик ёш хонанда Бекмурод Маҳмуджонов. — Танловда Рустамжон Мирминов билан ҳамнафасликда Орифхон Ҳотамов ижодидан "Оҳиста-оҳиста" қўшиғини ижро этдик.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Соч тўкилса...

Соч тўкилиши тиббиётда алопеция дейилади. Бунинг юзага келиши бир неча омиллар билан боғлиқ. Асосийси — ирсият: соч тўкилиши ота, ҳатто онанинг отасидан ҳам ўтиши мумкин. Генлар ўзини қачон намоён этишига организмдаги гормон миқдори, ёш, асабийлик ҳамда бошқа қатор касалликлар ҳам сабаб бўлади. Соч тўкилиши ҳолати инсон организмидаги дигидротестостерон гормони билан бевосита боғлиқ. Бу гормон эркаклар соч-соқолининг фолликулалари миқдори ва сифатини таъминлайди. Соч тўкилиши ёшга ҳам боғлиқ. Йиллар ўтгани сари организм кексаяди, танадаги туклар сийраклашади. Соч тўкилиши қарилик белгиси сифатида намоён бўлади. Шуни айтиш жоиз, соч тўкилиши ёшга боғлиқ бўлса бунинг чораси йўқ.

Руҳий зўриқиш ҳам соч тўкилишига олиб келиши мумкин. Асабийлик оқибатида буйрак ости безлари кортизол гормонини ишлаб чиқара бошлайди. Унинг меъёрдан ошиши терининг коллаген тўқималарини зарарлайди. Натижада тўқималар бўшашиб, соч тўкилади. Агар қалқонсимон без фаолияти бузилса, бутун организм зўриқади. Гормонал ҳолатнинг бузилиши натижасида сочнинг таркибий тузилиши ҳам ўзгаради: қуруқ ва жилосиз бўлиб қолади. Соч тўкилиши билан бирга қошнинг сийраклашиши ҳам кузатилади.

Соч тўкилишини тўхтатиш учун уч дона лимон шарбати 0,3 литр спирт билан аралаштирилади. Бир ҳафтача тиндириб қўйилганидан сўнг ҳар куни пахта воситасида бош терисига суртилади. Шунингдек, бир ошқошиқ лимон, бир ошқошиқ пиёз, 100 грамм алоэ шарбати, бир ош қошиқ кунжут ёғи аралашмасидан тайёрланган ниқоб ҳам яхши самара беради. Бунинг учун ҳосил бўлган аралашма бош терисига суртилиб, полиэтилин қалпоқча кийилади ва момиқ сочиқ билан ўралади. Бир соатдан кейин бош ювиб ташланади. Ушбу восита бош ювишдан олдин бир неча ой мобайнида такрорланади.

Фоли кислотаси ёрдамида организмда эски ҳужайралар ўрнини янги ҳужайралар эгаллаши ва тўкилган соч ўрнидан янги соч ўсиб чиқиши мумкин. Шунинг учун фолий кислотаси сероб бўлган мева ва сабзавотлар — исмалоқ, сарсабил, салат барги, шолғом, лавлаги, апельсин, саримсоқ пиёз, буғдой, соя дони, ловия, гуруч, қовурилган жигар, лосос (гўшти қизил балиқ) кабиларни кўп истеъмол қилиш керак.

Сўнгги пайтда тиббиётда кўп қўлланилаётган — бошга соч экишдан кўра, унинг тўкилиши олдини олган осонроқ. Сочни қуритишда электр ускуна (фен)дан кам фойдаланинг. Сочга дуч келган кимёвий косметика сураверманг. Бундан ташқари, лимонни кўп истеъмол қилиш ҳам соч тўкилишининг олдини олади. Уй шароитида соч парваришлашнинг энг осон йўли — ҳар куни кечки пайт бўйин ва бош терисини енгил уқалаш. Бу бошда қон айланишини яхшилаб, соч илдизига ижобий таъсир кўрсатади. Илдизлар яхши озиқланса, соч ўсиши ҳам яхшиланади. Совуқ об-ҳавода, албатта, бош кийим кийиб юриш зарур. Шамоллаш ҳам сочни тўкади. Бундан ташқари, чангда ишлаганда бош кийим кийиш тавсия этилади.

Тадбир

Она тилим — ягона тилим

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицейда ана шундай мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда истиқлол йилларида мамлакатимизда она тили мавқеи мустаҳкамлангани, ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўи ошиб, фаол мулоқот воситасига айлангани таъкидланди. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда тилимиз кенг қўлланаётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳлари, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар тобора кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

— Она тили чин маънода миллат кўзгуси ва ғурури саналади, — деди лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Зулфия Махатова. — Унинг софлигини сақлаш ва бойитиш — ҳаммамизнинг бурчимиз. Ўзбек адабий тилини чуқур ўрганиш, унинг меъёр ва қоидаларига риоя қилиш мактаб партасидан бошланади. Дунёда давлат тили мақомини олган тиллар саноқли. Улар қаторида ўзбек тилининг ҳам борлиги ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Тадбирда мумтоз адабиётимиздан намуналар ўқилиб, Ватан ва она тилини улуғловчи куй-қўшиқлар янгради. Академик лицей ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна асарлари намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

РЕКЛАМА

Qishloq Qurilish Bank

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

"Мадад" — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;

"Қурилишга бошланғич бадал" — муддати 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун:
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93
www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк – фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

БИЛАСИЗМИ?

- Кариб ороллари давлатлари ичида темир йўл тармоғига эга ягона давлат — Куба.
- Антарктиданинг халқаро телефон коди — 672. Гарчи унда аҳоли доимий яшамаса-да, мазкур "музликлар салтанати"га ҳам телефон коди ажратилган.

ТУРФА ОЛАМ

Робот-"болакай"

"Toyota Motor" компанияси "Kirobo mini" номли робот-"болакай"ни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. У фарзандсизликдан қийналаётган оилаларга мўлжалланган.

"Toyota" кашфиёти аҳолининг қариш даражаси бўйича ривожланган мамлакатлар орасида етакчилик қилаётган Японияда демографик тенденциянинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган.

"Робот бироз тебранади ва кўникмалари яхши ривожланмаган боладек таассурот қолдиради", дейди бош дастурчи Фуминори Катаока. Унинг айтишича, бундай хусусият робот ва унинг эгаси ўртасида "руҳий уйғунлик"ни юзага келтиради.

"Toyota" келаси йилдан бошлаб "Kirobo mini" роботини сотишни режалаштирмоқда. Нархи — 39, 8 минг иен (392 доллар).

Компания вакиллари "Kirobo Mini"нинг яратилиши инсон ҳис-туйғуларини таниш, унга жавоб беришга қодир янада илғор роботларни яратишда муҳим қадам бўлишини таъкидламоқда.

Эслатиш жоиз: "Toyota" робот-"болакай" ишлаб чиқарган ягона компания эмас. Ундан аввал Японияниг "Intelligent System Co Ltd" компанияси кекса кишиларда руҳий безовталик омилини юмшатиш мақсадида "Paro" деб номланган роботни тайёрлаган эди.

Умида МУХТОРБЕКОВА тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1025, Адади — 5533. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ГАФФОРОВ
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.30.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345